

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИ  
ГЕОЛОГИЯСИ, ҚИДИРУВ ВА РАЗВЕДКАСИ  
йўналиши**

**«КОНЛАРНИНГ НОАНЪАНАВИЙ  
ТУРЛАРИ»**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент -2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ, ҚИДИРУВ ВА  
РАЗВЕДКАСИ  
йўналиши**

**«КОНЛАРНИНГ НОАНЬНАВИЙ ТУРЛАРИ»  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: ТДТУ, кат.ўк. Э.Усманалиев**

**Тошкент -2017**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** ТДТУ, кат.ўк. Э.Усманалиев

**Тақризчи:** ТДТУ, доцент О.Розиков

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур .....	5
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари .....	10
III. Назарий материаллар .....	14
IV. Амалий машғулот материаллари .....	30
V. Кейслар банки .....	35
VI. Мустақил таълим мавзулари .....	37
VII. Глоссарий .....	39
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	50

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ушбу дастурда фойдали қазилма конларининг геологияси, ҳосил бўлиш шароитлари, хусусиятлари ва жойланиш қонуниятлари, шунингдек, ўлкамиз заминидаги олтин, кумуш, мис, қўроғошин, фосфорит, туз ва бошқа фойдали қазилмаларнинг заҳираларининг дунёдаги ноанъанавий турлари ҳақида баён этилади.

#### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Модулнинг мақсад ва вазифалари - фойдали қазилма конларининг асосий турларининг ҳосил бўлиш шароитлари, тузилиши ва ер шарида тарқалиш қонуниятларини ўрганиш. Бунда ҳар-хил геологик структураларда (бурмалар, платформа, шит, ўрта массивлар, океан) маълум бўлган фойдали қазилма конларининг генетик турларини аниқлашни ва шу йўналишга тегишли бўлган адабиётлар, услубий қўлланмалар билан танишиш, улардан тўғри фойдаланишни ўрганиш.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Конларининг ноанъанавий турлари” курсини ўзлаштириш жараённида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

##### **Тингловчи:**

- фойдали қазилма конларини назарий асослари;
- фойдали қазилма конларини иқтисодий ва математик асослари;
- геология-қидирув ишларининг турли босқичларида фойдали қазилмаларни хусусиятлари;
- конларни қидиришнинг стратиграфик, литологик, магматик, структуравий, минералогик, геокимёвий ва бошқа мезонлари;
- қидириш усуллари ва уларни қўллаш шароитлари ҳақида **билимларга эга бўлади.**

##### **Тингловчи:**

- фойдали қазилмаларни магматик генетик турларини таҳлил қилиш;

- фойдали қазилма конларини пегматит генетик турларини таҳлил қилиш;
- фойдали карбонатит генетик турларини таҳлил қилиш;
  - фойдали қазилмалар генезисини аниқлаш;
  - фойдали қазилма конларининг генетик ва саноат турларини таснифлаш;
- маъданлар таркибидаги минераллар орқали фойдали қазилма конининг генетик турларини аниқлаш бўйича **кўнишка ва малакаларга эга бўлади.**

**Тингловчи:**

- конларда маъданли майдонлар ва маъдан намоёнлари бўйича хариталарни тузиш;
- олинган маълумотларни ижодий-танқидий таҳлил қилиш;
  - олинган маълумотларни хариталарда кўрсатиш ва башоратли қирқимлар тузиш;
- изланишлар натижаларини таҳлил қилишга замонавий ёндашиш;
- конларнинг генетик турларини аниқлаш;
- геология қидибув ишлари босқичларида изланишларни лойиҳалаш;
- геологик изланишлар натижаларининг таҳлил қилиш;
- геологик-структуравий хариталаш **компетенцияларига эга бўлади.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Конларининг ноанъанавий турлари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Конларининг ноанъанавий турлари” модули ўқув режадаги қуйидаги фанлар билан боғлиқ: “Конларни башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усуллари”, “Конларнинг ноанъанавий турлари”, “Геологик маълумотларни таҳлил қилишда ГИС технологиялари”.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Ўзбекистон Республикасида геологик жараёнларни қўллаб ишлайдиган кўргина корхоналар мажуд бўлиб, булар қаторига Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқалар киради. Бу корхоналарда геология соҳасидаги замонавий технологиялардан

фойдаланилади. Шу сабабдан олий таълим ўқитувчиларининг малакасини оширишда “Конларни башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усуллари”, “Конларнинг ноанъанавий турлари”, “Геологик маълумотларни таҳлил қилишда ГИС технологиялари” модулларининг алоҳида ўрни бор.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машнулот	Кўчма машнулот			
1.	Магматик конларни ўрганиш.	10	10	4	4	2			
2.	Гидротермал конлар. Вулканоген ва колчедан гидротермал конлар.	10	10	4	4	2			
3	Экзоген конларларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари.	6	6	2	4	-			
	Жами:	26	26	10	12	4			

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Магматик конларни ўрганиш**

Магматик конларни (эрта магматик, кеч магматик, ликвацион) ўрганиш. Магматик конларнинг гурухларга ажралишида магманинг таъсири ва қайси турдаги фойдали қазилмалардан ҳосил бўлиши. Пегматит конлар (оддий (керамик) пегматитлар, қайта кристалланган пегматитлар, метасоматик (ўрин алмашиш) пегматитлар) ва уларда учрайдиган фойдали қазилмалар. Карбонатит конларининг ҳосил бўлиш жараёнлари, унинг натижасида ҳосил бўладиган фойдали қазилмалар ва уларнинг гурухлари. Скарн конларининг ҳосил бўлиши. Магнезиал скарн, оҳакли скарн, силикатли скарнлар жараёнини ўрганиш. Бу жараёнларнин бир-биридан фарқи ва гурухланиши. Альбит ва грейзен конлари. Бу конларда учрайдиган фойдали қазилмаларнинг гурухланиши ва унинг генетик ва саноат турлари.

#### **2-мавзу: Гидротермал конлар. Вулканоген ва колчедан гидротермал конлар (4 соат)**

Гидротермал конлар (юқори хароратли, ўрта хароратли ва паст хароратли). Вулканоген гидротермал конлар. Гидротермал конлардаги гурухланиш сабаблари ва уларда учрайдиган ФҚларнинг гурухланиши.

Колчедан конлари. Бу гурӯхга кирувчи –метасоматик, гидротермал, гидротермал-чӯкинди, ва уларнинг аралашган конларини ўрганиш.

### **3-мавзу: Экзоген конларларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари**

Экзоген конларларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш. Экзоген конлар ҳосил бўлиши, бу турдаги конлар билан қандай фойдали қазилмалар боғлиқлиги. Нураш конларининг ҳосил бўлиши. Қолдиқ конлар. Нураш жараёнлари, нурашга таъсир кўсатувчи омиллар ва уларнинг сабалари ва қолдиқ конларининг вужудга келиши. Сизма конлар. Сизма конларининг генетик ва саноат турлари ва уларнинг вужудга келиши. Метал ва метал эмас конларининг нураш қобиғидаги ўзгариши. Нураш жараёнида конларда учрайдиган фойдали қазилмаларнинг саноатда ва халқ хўжалигидаги аҳамияти. Чўкма конларнинг ҳосил бўлиши. Чўкма конларда учрайдиган фойдали қазилмаларнинг саноатда ва халқ хўжалигидаги аҳамияти. Сочилма конлар. Сочилма конларда учрайдиган фойдали қазилмаларнинг саноатда ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Магматик конларни ўрганиш**

Магматик конларнинг ҳосил бўлиш шароитлари. Пегматик конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитлари. Сскарн конларнинг турлари. Ҳосил бўлиш шароитлари.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Гидротермал конлар. Вулканоген ва колчедан гидротермал конлар**

Гидротермал конларнинг турлари. Ҳосил бўлиш шароитлари. Пневматолит конларнинг турлари. Ҳосил бўлиш шароитлари. Метаморфоген конларнинг турлари. Ҳосил бўлиш шароитлари.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Экзоген конларларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари**

Маъаданлар таркибидаги минераллар орқали фойдали қазилма конининг генетик турларини аниқлаш. Карбонатит конларнинг турлари. Карбонатит конларнинг ҳосил бўлиш шароитлари.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу:** Магматик конларни (эрта магматик, кеч магматик, ликвацион) ўрганиш.

**2-мавзу:** Гидротермал конлар (юқори ҳароратли, ўрта ҳароратли ва паст ҳароратли). Вулканоген ва колчедан гидротермал конлар.

Кўчма машғулотларни “Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси” ташкилотларида олиб борилиши кўзда тутилган.

## ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётгандан ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига қўра:

- жамоавий;
- гурухли (кичик гурухларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гурухларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гурухларда ишлаш** – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурухларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиши методига кўра гурухни кичик гурухларга, жуфтликларга ва гурухларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гурухли иш* ўқув гурухлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади. *Табакалашган гурухли иш* гурухларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.

**Якка тартибдаги шаклда** - ҳар бир таълим олувчига алоҳида-алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Балл	Максимал балл
1	Кейс	1.5 балл	
2	Мустақил иш	1.0 балл	2.5

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **МУХОКАМА-МУНОЗАРА**

#### **Методнинг тавсифи**

Бу интерактив ўқитишнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади ва тингловчиларнинг ушбу мавзу бўйича турли хил билим даражаси ва тажрибалари асосида ўрганиладиган масалага қандай ёндашиши кўзда тутилади. Бунда ўқитувчи муҳокама учун муаммоли саволни ёки ҳаётдаги аниқ бир вазиятни белгилаб, ўртага ташлайди. Тингловчилар эса мавзудан четга чикишларига ёки айрим фаол тингловчиларни етакчи бўлиб, фақат улар фикр билдиришларига йўл қўймайди, мумкин қадар барчанинг фаол иштирок этишларига аҳамият беради, тингловчилар бир-бирини фикрларига хурматсизлик билан қарашларига йўл қўймайди. Муҳокама охирида ўқитувчи фикрларни умумлаштириб, ўз фикрини назарий ва амалий исботлаб баён этади.

#### **Методнинг машғулотга татбиқ этилиши**

**Фойдали қазилма конларини қандай температурада  
пайдо бўлганликларини аниқлашнинг самарали  
усулларини қиёсий таҳлил қилинг**

**Полиметалл (қурғошин-рух) конлари ҳам баланд  
температурали гидротермал жараёнлар оқибатида пайдо  
бўлишлари мумкинми? Фикрингизни исботланг**

**Вулканоген гидротермал конларининг ер  
қобигини ёриб чиқиб, хавога даҳшат билан  
отилувчи вулқонлардан фарқи нимада?**

## “АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методи

“Ақлий ҳужум” методини биринчи бўлиб бундан бир неча ўн ииллар олдин Ф.Осборн Алекс рекламаси орқали Баттер, Бартон, Дастин ва Осборн фирмаларида қўллаган. Кейинчалик ушбу услубдан йирик халқаро корпорациялар ҳам фойдалана бошлашган. Республикамиздаги таълим муассасаларида ушбу услубдан 2000 ииллардан бошлаб фойдаланила бошланди.

### *Ақлий ҳужум методининг асосий қоидалари:*

- илгари сурилган фикр ива ғояларни танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;
- таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг;
- танқид қилманг! Ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир;
- фикр билдирилаётганда гапни бўлманг;
- мақсад-фикр ва ғоялар сонини қўпайтириш;
- қанча кўп ғоя ва фикр билдирилса, шунчалик яхши. Янги, бебаҳо фикр ва ғоянинг туғилиш эҳтимоли пайдо бўлади;
- агар фикрлар қайтарилса, рад этманг;
- фикрлар ҳужумини ўтказиш вақтига қатъий риоя қилинг;

### Методнинг машғулотга татбиқ этилиши

- Олтин маъданли конларининг ноанъанавий турларини айтиб ўтинг.
- Полиметалл конларининг ноанъанавий турларини айтиб ўтинг.
- Ноёб металл конларининг ноанъанавий турларини айтиб ўтинг.



## ИНСЕРТ ЖАЛВАЛИ

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн тингловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“_” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

### Методнинг машғулотга татбиқ этилиши

“Фойдали қазилмаларни ноанањавий турларини ўрганишда” кўргазма материал сифатида “Минерал ресурслар институти” лабораториясида кўргазма сифатида фойдаланиладиган минерал намуналаридан кенг фойдаланилади. Тингловчилар “Фойдали қазилмаларни ноанањавий турларини ўрганишда” мавзуси юзасидан олинган билимларини реал қўлланилиши билан таққослаб жадвални тўлдирадилар.

### Б-Б-Б ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу метод таълим олувчиларни бирламчи билаймларини аниқлаш ва фаоллаштириш мақсадида ишлатилади. Методнинг мавзуга қўлланилиши. Мавзу буйича иборалар тушунчалар ёзилади, таълим олувчилар берилган ибораларга белгилар қўйиб чиқади. Таълим беғурвчи мавзу бўйича таъпим олувчилик канлай

## **Методнинг машғулотга татбиқ этилиши**

### **ББ жадвали**

<b>№</b>	<b>Мавзу саволлари</b>	<b>Биламан</b>	<b>Билишни истайман</b>	<b>Билиб олдим</b>
<b>1.</b>	Магматик конларнинг турлари			
<b>2</b>	Гидротермал конлар ҳарорати.			
<b>3</b>	Вулканоген ва колчедан гидротермал конлар.			
<b>3</b>	Экзоген конларларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари			

### III. Назарий материаллар

#### 1-мавзу: Магматик конларни ўрганиш

**Режа:**

1. Магматик конлар ҳақида тушунча.
2. Эрта магматик конларнинг ҳосил бўлиши.
3. Кеч магматик конларнинг ҳосил бўлиши.
4. Ликвацион конлар ҳосил бўлиши ҳақида тушунча.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Магма, магматизм, магматик жараёнлар, Ер мантияси, гидротермал-чўкинди кон, колчедан туридаги (колчеданли) кон, контакт метаморфизми кони, маъдан ҳосил бўлиши, сульфидлар, геокимёвий жараёнлар, кристалланиш, рангли ва нодир металл рудалари.*

#### 1.1 Магматик конлар ҳақида тушунча

Фойдали қазилмаларга бой магманинг дифференцияланиши жароёнларида, ўта асосий, асосий ва ишқорли қоти-малардан ҳосил бўлган конлар м а г м а т и к конлар деб аталади. Бу конларда титан-магнетит, апатит-магнетит, мис-никель, хромит рудалари, платиноидлар, олтин, олмос, кобальт, ванадий, сийрак ер элементлари, графит каби фойдали қазилмаларнинг йирик запаслари маълум.<sup>1</sup>

Магматик конлар 1300°-1500° дан ҳам ортиқ ҳароратда, юзлаб атмосфера босим остида сезиларли чукурликда шаклланиб юқорида айтиб ўтилган тоғ жинсларнинг орасида учрашлиги билан ҳарактерланади. Демак, бу хил конларнинг ва уларни ўраб турган тоғ жинсларнинг ҳосил бўлиши магманинг ер бағридан кўтарилиб чиқиб қотиш жараёни билан чамбарчас боғлик.

Кўпинча магматик конларни ўзида жойлаштирувчи тоғ жинслари габбро, норит, пироксенит, дунит каби асосий ва ўта асосий жинслар бўлиб, бу жинсларнинг маълум турлари билан аниқ фойдали қазилмалар боғланган бўлади. Жумладан, асосий жинсларнинг – габбро, норит, аортозит хиллари билан титан, ванадий, мис-никель, кобальт, конлари фазовий ва генетик боғланса, дунит, перидотит, пироксенит каби ўта-асосий жинслар билан платина, хромит, олмос конлари бирга учрайди.<sup>2</sup>

Кўпчилик магматик конлар жойлашган массивларнинг йўл-йўл тузилиши (яъни дифференциялашган отқинди жинс-лардан тузилиши) эътиборни жалб қиласи. Бу хол асосий жинсларда темир группа металларининг юқори миқдорда ва кремнезёмнинг кам бўлиши билан боғлиқ бўлиб, натижада бундай тоғ жинсларини ҳосил қилувчи магманинг қайишқоқлиги кам, лекин енгил ҳаракатчан бўлишига, яъни унинг дифференцияланишига сабаб бўлади. Магманинг сиаль ва фемик қисмларга бўлиниш жараёнига рудаларнинг суюлиш температура-сини камайтирувчи ва

---

<sup>1</sup> Renolds Johnson, Morin Carter// Exploring geology. Australia PGC 2006 3-13 pages

<sup>2</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004 5-30 pages

бирикмаларнининг ҳаракатланишини яхшиловчи турли учувчи компонентлар ( $H_2O$ , Cl, B, F, P)нинг ҳам маълум таъсири бўлади. Бўлиниш натижасида магма эритмасида илгари кристалланиб олган минераллар пастга чўкади, енгиллари эса юқорига кўтарилади, яъни магматик жинсларнинг оч рангли енгил минераллари устки ва қорамтири оғирлари пастки зоналарда жойлашади. Бундай дифференцияланиш даражаси ҳар хил бўлиб, айрим районларда, масалан, Уралдаги интрузив массивларида зонадан зонага ўтиш сезиларсиз бўлса, бошқа ерларда кескин фарқланувчан бўлиши мумкин.

Она жинсларни ташкил қилган массивларнинг шакллари лакколит, силла, моноклиналь бўлиб, чўкинди ва метаморфик жинсларни ёриб чиқсан, баъзан уларни орасида монан ётган бўлади. Ўлчамлари ҳам турлича бўлади. Масалан, Уралдаги Качканар интрузивини кўриниб турган майдон 100 кв.км.дан ошиқ.

Магматик конларнинг ўрганишда рус геологлари М.Годлевский, А.Заварицкий, В.Соболев, Г.Соколов, чет эл олимларидан И.Фонн, П.Вагнер ва бошқалар муносаб ҳисса қўшдилар. Бу тадқиқотчиларнинг олиб борган ишларига кўра магматик конлар турли йўллар билан ҳосил бўлишлиги аниқланган.

#### Юқоридаги маълумотларни олиш учун:

- ★ тўғридан – тўғри кузатишлар;
- ★ ўлчашлар;
- ★ жинсларни ва фойдали қазилмаларни ўрганиш ва анализ қилиш ишлари олиб борилиши керак.

Лекин табиатда тўлалигича кузатиш учун «очиқ», «имкон берувчи» обьектлар деярли йўқ. Бундан ташқари хамма қисми бир хил бўлган конлар хам йўқ. Шунинг учун бир нуқтадан олинган маълумотни бир нуқтага татбиқ этиб бўлмайди.

Саноат учун эса – ўртача (бутун кон бўйича) маълумотлардан ташқари, уларнинг ўзгариш қонуниятлари ва йўналишларини ҳам билиш зарур.

## Қидириш ва разведка Объектлари:

- ★ Минераллашган нүкта;
- ★ Маъдан намоёни;
- ★ Фойдали қазилма кони;
- ★ Маъданли майдон;
- ★ Маъданли провинция.

1. Назарий асосларни тушуниши учун зарур бўлган умумий тушунчалар.

1. Назария фақат шунда назария дейилиши мумкинки, агар у ходиса ва жараёнларни, уларнинг хусусиятларини **башорат қила олса**.
2. Хар қандай умумлаштириш ва холоса чиқариш ўз ичига башоратлашни олади.
3. Қидириш ва разведка қилишнинг бош обьекти – «бўш жинслар» билан ўралган фойдали қазилма (ёки маъдан).
4. «Фойдали қазилма кони» обьект сифатида, иқтисодий самара билан фойдаланиш учун қидириш ва разведка жараёнида ажратилади.

#### Конларнинг иқтисодий кўрсаткичлар бўйича таснифланиши.

Конларнинг иқтисодий кўрсаткичлар бўйича таснифланишида таснифловчи белги сифатида турли ГСПларнинг кўрсаткичлари қўлланилиши мумкин. Булар орасида энг асосийлари қўйидагилардир:

- I. Фойдали қазилма уюмларининг қалинлиги.
- II. Фойдали қазилма сифати.
- III. Фойдали қазилманинг ётиш шароитлари.
- IV. Қамровчи жинслар кесимининг барқарорлиги.
- V. Конни қазиб олиш шароитлари.
- VI. Фойдали қазилма уюмлари таркибининг барқарорлиги.
- VII. Коннинг катталиги.
- VIII. Коннинг геологик-саноат тури.

## 1.2 Эрта магматик конларнинг ҳосил бўлиши

Магманинг кристалланиш дифференцияси вақтида хромит, платина, олмос, лопарит, монацит, циркон каби сийрак ер минераллари биринчи бўлиб ёки тоғ жинслари ҳосил қилувчи олвин, пироксен минераллари билан бир вақтда ҳосил бўлиш хусусиятларига эгадир. Бу минераллар солиштирма оғирликдари юқори бўлганлариди учун аста-секин қота бошлаган магманинг силикатли қисми остига чўкиб йифилади ёки ҳосил бўлаётган жинс орасига тарқалади. Ана шундай йўл билан ҳосил бўлган конлар эрта магматик конлар деб аталади. Бу конларнинг ҳосил бўлиш температураси ва босими магматик конлар ичida энг юқори бўлади. Масалан олмос каби қазилмалар ер бағридан юзлаб километр чукурликда пайдо бўлишилиги мумкин.<sup>3</sup>

Эрта магматик конларнинг ўзига хос хусусиятлари – руда гавдаларининг уя, линза, плита, олмос конларида эса труба шаклларидан ташқари кўпинча ноаниқ бўлишилиги, руда билан жинс орасида сезиларли чегара бўлмаслигидир. Рудаларни кўздан кечирсан рудали минералларнинг аниқ формалилиги ва уларни кейин ажралган тоғ жинслари ҳосил қилувчи минераллар ўраб, яъни «цементлар» турганини кўрамиз.

Эрта магматик шароитда ҳосил бўлган хромит, перidotит, титан-магматитли руда гавдалари габбро, графит тўплам-лари эса ишқорли жинслар бағрида ётади. Олмос эса ўта-асосий жинсларнинг ўзига хос хиликимберлит ичida жойлашади. Фойдали қазилма рудаларда алоҳида дона (хол)лар шаклида, баъзан томчига ўхшаш шлир кўринишида жойланиб, фойдали компонентларнинг микдори катта бўлмайди. Шу типга кирувчи хромит конларида  $\text{Cr}_2\text{O}_3$ нинг микдори 10-20% ва айрим холларда 30-40%гача бориши мумкин. олмос конларидаги қииматли кристаллар перidotит жинсларнинг 0,00004-0,0009%нигина ташкил қилади.

Эрта магматик конлар группасига Жанубий Африкадаги хромит ва платинали машхур Бушвельд кони, Улардаги Ключевск хромит кони, Африка қитъасининг жанубидаги Кимберли, Ёқутистондаги олмос конлари киради. Уларнинг айримлари билан танишамиз.

Жанубий Африканинг Трансвааль ўлкасидаги Бушвельд кони эрта магматик шароитда ҳосил бўлган хромит ва айниқса платинанинг кўплаб тўпланган жойларидан бири. Бу конга хос хусусиятлардан бири рудали интрузивнинг нисбатан тинч тектоник шароитда вужудга келишидир. Шунинг учун бу интрузивларнинг тоғ жинслари бир-бирларини кесмай, қават-қавтат бўлиб жойлашади. Рудали тоғ жинс ҳосил қилиши жароёнлари билан боғлиқ бўлганлиги учун, ҳосил бўлган руда гавдалари ҳам тоғ жинслари орасида текис ётади.

Одатда сорти, кристаллографик кўриниши, ранги, ўлчам-лари турлича бўлган олмос кристаллари ёки синиқлари бутун кимберлит бўйлаб нотекис

---

<sup>3</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 35-65 pages

тарқалиб оливин, диопсид, гранат каби минераллар билан биргаликда учрайди.

Баъзан эса бу минералларни олмоснинг ичида ҳам учратиш мумкин. Бу эса олмоснинг кимберлитни ҳосил қилувчи минераллар билан олдинмакейин ҳосил бўлганлигини кўрсатади.<sup>4</sup>

Бу ва бошқа олмосли трубкаларни ҳар тарафлама ўрганиш олмос устида олиб борилаётган эксперимент натижалари қаттиқлик султони олмос конларни жуда катта босим ва чуқурликда кимберлитли магманинг «портлаб» кўтарилганлиги ва шаклланиши натижасида ҳосил бўлишилигини кўрсатмокда.

### 1.3 Кеч магматик конларнинг ҳосил бўлиши

Магма кристалланиш жароёнининг охирларига келиб, ундаги учувчи бирикмалар миқдорининг ортиши туфайли жинс ҳосил қилувчи минераллар кристалланади. Рудали минераллар эса йиғилиб, қолдик рудали қотишмаларни вужудга келтиради. Улар эса ўз навбатида ташқи ва ички кучлар, масалан, тектоник ҳаракатларнинг кучайиши ёки ички газ кучланишининг ортиши туфайли силжиши ва қотиб бўлаётган интрузив гавдаларидаги ёриқларни тўлдириши мумкин. Шу усул билан кеч магматик конлар вужудга келади. Бу конлардаги рудани кўздан кечирсан руда эмас минераллар биринчи, рудали минераллар эса иккинчи навбатда ҳосил бўлганини кўрамиз. Эрта магматик конлардан фарқли ўлароқ, бу ерда рудали минераллар кўпинча «цемент» ролини ўйнайди. Бу тоифадаги конларда рудали минераллардан хромит ва платиноидлар перидотит билан, титаномагнетит ва ильменит габбро-дунит билан, апатит, магнетит, нефелин, сийрак ер элементлари эса ишқорий жинслар билан генетик боғланган бўлади.

Кечки магматик конлар қолдик рудали қотишмаларнинг она жинслардаги ёриқларида шаклланиши сабабли, руда гавдаларининг асосий шакллари томир ва линзасимон бўлади. Штоқ, уя каби рудалар йиғилган жойлар кўп учрайди. Руда гавдаларининг узунлиги 400-800 метргача борса, апатит-нефелин линзалари бир-неча километргача етади. Қалинлиги эса ўнлаб метрлар билан ўлчанади. Руда гавдалари билан ўз ичига олган жинсларнинг туташ чегараси кескин бўлади. Рудалар массив, баъзан эса холдор текстурани ташкил қилади. Фойдали компонентларнинг миқдори юқори бўлади. Масалан, юқори сортли хром рудасида  $\text{Cr}_2\text{O}_5$  нингмиқдори 45 %дан ортиқ бўлиб, 35-40 % хром оксиди бўлган рудалар паст сортли ҳисобланади.

Кечки магматик конлар қора ( $\text{Fe}$ ,  $\text{Cr}$ ,  $\text{Ti}$ ), легирловчи ( $\text{V}$ ), асл ( $\text{Pt}$ ) металлар, фосфор, алюминий олишда муҳим аҳамиятга эга. Таърифлаётган конларнинг хромитли (Кемпирсой, Сарановск) ва платинали хиллари Уралда ва Жанубий Африкада жойлашган. Титаномагнетит ва ильменит конлари эса Урал (Кусинск, Первоуральск, Качканар)дан ташқари тоғли Шория, Саян

<sup>4</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 70-95 pages

тоғларида учрайди. Апатит-магнетитли конлар Швецияда (Кирунавара), апатит-нефелинли конлар эса Кольск ярим ороли (Хибир)да топилган.

Руда минераллари хромшпинелидлар, хромдиопсид, хромактинолит, магнетит, гематит, сульфидлардан иборат. Руда гавдалари табақа, линзасимон бўлиб, узунлиги 800 метр, қалинлиги ўнлаб метрга етади. Рудалар тарқоқ ва зич (туташган) ҳолда учрайди.

Иккинчи ҳусусият П.М.Татаринов таъкидлаганидек, рудадан кейинги тектониканинг интенсив ривожланганлиги билан ифодаланади. Оқибатда, кўпгина руда гавдалари ёриқлар билан қайта-қайта сурилиб, блокларга бўлиниб

#### **1.4 Ликвацион конлар ҳосил бўлиши ҳақида тушунча**

Учинчи ҳил магматик конлар магманинг совиши жароёнида, бири бирига аралашмайдиган сульфидли ва силикатли қисмларга ажралиши оқибатида, рудали қисмнинг қотиши натижасида ҳосил бўлади. Бу конлар шундай икки қисмга ажралиши, яъни ликвация туфайли пайдо бўлганниклари учун ликвацион кон деб юритилади. Магманинг бундай қисмларга ажралиш сабаблари кўпчилик олим ва мутахасислар: Н.Фогт, П.Рамдор, М.Годлевский, А.Бетехтин, В.Смирнов ва бошқа томонидан ўрганилган. В.Смирнов бўйича ликвация магмадаги олtingугуртнинг тўпланиши, темир, магний, кремний ва суюқ силикатли магманинг таркибида халькофиль элемент-ларнинг бўлиши сабаб. Масалан, силикатли магмада темир бўлса, у сульфидларнинг эришини оширади. Магма қотаёт-ганида темир микдорининг камайиб бориши эса сульфидли қотишмаларни ажралишига ва бир ерга йиғилиб қолишига олиб келади. Баъзан эса бундай ажралиш ён жинсларнинг магмага таъсири (яъни ассимеляция) туфайли ҳам бўлиши мумкин. Чунки магманинг силикатли ва сульфидли қисмларга бўлиниши тажрибалар асосида ҳам текширилган. Жумладан, Я.И.Ольшанский 1947-1950 йилларда олиб борган экспери-менталь ишлари 1500 ва ундан ортиқ ҳароратларда, маълум микдордаги минерализаторларнинг иштироки туфайли, сульфидлар магмада эрувчан бўлишлигини, температуранинг пасайиши сульфидларнинг эрувчанлигини камайишига ва сўнгра уларни силикатли қисмлардан ажралиб кетишини исботлади. Ликвация жароёнининг бошида сульфидли моддалар майдада томчиларга ажралади. Улар эса ўз навбатида бошқа томчиларга ўхшаш формадаги сульфидлар билан бирлашиб, аста-секин оғирликлари туфайли пастга қараб туша бошлайди. Сульфид томчилари силикат қисмининг минераллари билан бирга кристалланиб, сингенетик рудаларни ҳосил қиласди. Уя, линза, йўл-йўл ётқизиқлар қўринишидаги руда гавдалари липолит шаклидаги кучли дифференцияланган интрузивларнинг тагида жойлашади.

Баъзан эса сульфидли қотишмалар қотиб бўлган интрузивдаги турли тектоник ҳаракатлар туфайли пайдо бўлган ёриқларда шаклланади. Айрим ерларда сульфидли қотишмалар интрузивдан ташқарида, масалан, вулканоген жинслар орасида жойланиши ҳам мумкин (Садбери, Норильск). Шунинг учун ҳам, эпигенетик руда деб аталувчи руда гавдалари кесувчи томир қўринишида бўлади. Сингенетик рудалар холланган бўлиб, ўзини ўраб

турган жинслар билан чегараси сезилмайди. Иккинчи рудалар массив текстурага эга бўлиб, ўз атрофидаги жинслар билан кескин чегараланади.

Ликвацион конлар асосий жинс вакиллари – габбро, габбро-норит, перidotит, оливинли диабаз билан генетик боғланга-лиги ва рудалари мисс ва никель минералларидан ташкил топганлиги билан бошқа конлардан кескин фарқланади. Шунинг учун бу конлар геологик адабиётларда мисс-никельли конлар деб юритилади.

Рудалар, асосан, пирротин, халькопирит, пентландит ва турли миқдордаги магнетит, кубанит, миллерит каби бирикмалардан ташкил топган. Рудаларда платина, олтин ва кобальт ҳам учрайди.

Айрим кон рудаларида ,7-1,46 % никель, ,8-1,9 % мисс,,12 % кобальт бўлади (Садбери). Никель ва миснинг нисбати 1:1, 2:1 ёки 1:2 бўлса, никельни кобальтга нисбати 20:1 дан 40:1 ни ташкил қиласди.

Ликвацион конлар группасига Красноярск ўлкасидағи Норильск, Тальнах, Кольск ярим оролидаги Монче-Тундра, Канададаги Садбери ва Жанубий Африкадаги Инсиз ва конлари киради. Булардан энг йириклари Канададаги Садбери конидир. Бу кон овал шаклидаги ёлғон стратификацияланган, мураккаб дифференциялашган интрузивга бириккан. Интрузивнинг юқори қавати оливинли норит, пастки қисми эса норитдан тузилган бўлиб, сульфидли мисс-никель минераллари норитнинг остида ийғилган.

### **Назорат саволлар:**

- 1.Фойдали қазилма нима?
- 2.Фойдали қазилма кони деб нимага айтилади?
- 3.Маъдан ва номаъдан фойдали қазилмаларнинг ажратиш принциплари?
- 4.Маъданли жисм, маъдан кўрсаткичи ва бошқа атамаларни ёддан айтиб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology . Australia PGC 2006.
- 2.Laurence R., Introduction on to oreforming processes, Blackwell publishing company, London 2004.
- 3.Kula M., Understanding Mineral Deposits, Blackwell publishing company, Australia 2009..
- 4.Hart C., Wang Y., Goldfarb R., Dong L. Axi and associated epithermal gold deposits in the western Tianshan, Xinjiang, P.R. China // Tectonic evolution and metallogeny of the Chinese Altay and Tianshan. London: CERCAMS, 2003.
- 5.O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Ma’danli foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.
- 6.O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Noma’dan foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.

## **2-мавзу: Гидротермал конлар. Вулканоген ва колчедан гидротермал конлар**

**Режа:**

1. Гидротермал конлар ҳақида тушунча.
2. Вулканоген гидротермал конларнинг ҳосил бўлиши.
3. Плутоноген гидротермал конларининг ҳосил бўлиши.

**Таянч сўз ва иборалар:** Магма, магматизм, магматик жараёнлар, Ер мантияси, гидротермал-чўкинди кон, колчедан туридаги (колчеданли) кон, контакт метаморфизми кони, маъдан ҳосил бўлиши, сульфидлар, геокимёвий жараёнлар, кристалланиши, рангли ва нодир металл рудалари.

### **2.1 Гидротермал конлар ҳақида тушунча**

Гидротермал конлари табиатда энг кўп тарқалган, жуда катта назарий ва амалий аҳамиятига эга. Улардан ҳозирги вақтда қора (Fe, Mn, Co, Ni, W, Mo), рангли (Cu, Pb, Zn, Sn, As, Bi, Hg-Sb), асл (Au, Ag), радиоактив (U) металлар, сийрак элементлар ва руда эмас фойдалари қазилмалар – флюорит, барит, лал, кварц, магнезит, асбест ва бошқа минераллар қазиб олинмоқда.<sup>5</sup> Гидротермал конларининг ҳосил қилувчи эритмалар турли чуқурликларда ҳосил бўладиган икки хил магматик жинслар билан боғлик бўлган гидротермал конларга бўлинади. 1 километрдан 5 – 7 километргача бўлган чўкурликда жойлашган гранитоидлар плутонлар билан боғлик бўлган плутоноген гидротермал конлари ва ер устидан бошлаб, 1 километргача чуқурликларда жойлашган вулкан ёки субвулкан деб аталувчи магматик жинслари билан боғлик бўлган вулконоген гидротермал конлари.

Хар икки хил кон ҳосил қилувчи гидротермал эритмалар хароратлари ва босимларини пасайиши ва улардан ажralаетган турли температура интервалларида юзага келадиган минерал уюшмаларига қараб бўлинади;

1. Юқори температурали гидротермал конлари (400–300 С)
2. Ўрта температурали гидротермал конлари (300 – 200 С)
3. Паст температурали гидротермал конлари (200 – 50 С)

1. Юқори температурали конлар асосан нордон (гранит, гранодиорит ва бошқа) магматик жинслар билан боғлик бўлиб, кўпинча ана шу она жинслар бағрида жойлашади. Айрим пайтларда улар она жинсларни ёриб чиқиб, қуршовчи чўкинди, метаморфик ёки эффузив жинслари ичida ҳам жойланишлари мумкин. Бу конлар руда элементлари W, Mo, Sn, Fe, As, Cu, Pb, Zn, Au ва айрим нодир ва тарқоқ элементлар минераллари волфрамит (Fe, Mn) ( $WO_4$ ), молибденит ( $MoS_2$ ), касситерит ( $SnO_2$ ), магнетит ( $Fe, Fe_2O_4$ ), гематит ( $Fe_2O_3$ ), арсеноперит ( $FeAsS$ ), халкопирит ( $CuFeS_2$ ), галенит ( $PbS$ ), сфалерит ( $ZnS$ ), олтин ( $Au$ ), пирит ( $FeS_2$ ), пирротин ( $FeS_2$ ) ва бошқалар

<sup>5</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 125-165 pages

учрайди. Руда эмас қазилмалардан берилл, топаз, турмалин, флогопит, графит учраб туриши ҳам мумкин. Булардан ташқари томир минералларидан кварц, дала шпатлари, амфиболлар, гранатлар, мусковит ва бошқалар ёндош бўлиши эктимол.

Юқори температурали гидротермал конларга хос бўлган фойдали қазилмаларнинг кўпчилиги ўрта температурали жараёнларда ҳам тўпламлар (конлар) хосил қилиши мумкин. Cu, Au, Pb, Zn ларнинг асосий тўпламлари ўрта температурали конларига тўғри келади. Шунга қараб фойдали қазилма конларини қандай температурада пайдо бўлганликларини аниқлашимиз мумкин.

Юқори температурали гидротермал конлари орасида энг кўп тарқалган фойдали қазилмаларидан бири олтин бўлиб, конларда олтин-маргуруш ва кварц-олтин фармацияларини ташкил этади. Биринчи формацияга мисол қилиб Уралдаги Коч Кар Джетигар конини кўрсатиш мумкун бўлса, иккинчи формацияга «қадимги» кембрий даврида хосил бўлган. Бразилиядаги Моровелло, Хиндистондаги Колар, Канадаги Поркьюпайн ва бошка конларни кўрсатиш мумкин.

Полиметалл (қурғошин-рух) конлари ҳам баланд температурали гидротермал жараёнлар оқибатида пайдо бўлишлари мумкун. Булар сафида Австралиянинг Броккен-Хил, Канаданинг Сулливан конлари киради.

Юқори температурали гидротермал жараёнлари натижасида, маъдан конларидан ташқари, турли номаъдан фойдали қазилмалар ҳам хосил бўлади. Бунга Сибирьда (Алдан), Канада, Швеция, Мадагаскар ва бошка ўлкаларида учраган мусковит ва флюорит конлари: Украинадаги графит кони; Испаниядаги апатит конлари; Россияда, Африка ва Хиндистонда топилган қимматбаҳо тош (топаз, берилл, турмалин) лар конлари шулар жумласидан.

2. Ўрта температурали плутоноген гидротермал конларининг хосил бўлиши эритмаларининг  $300^{\circ}$  дан  $200^{\circ}$  С га пасайши билан боғлиқ бўлиб, ката ва ўрта чуқурликларда пайдо бўлади. Агар баланд температурали конлар, асосан нордон магматик жинслар билан генетик боғлиқлиқда бўлса ўрта температурали конлар магматик жинсларнинг барча турлари (нордон, ишқорий, асосий, ўтаасос) билан боғлиқ бўлади. Халқ хўжалигига ўрта температурали гидротермал конлари ката аҳамиятига эга. Улардан Au, Ag, Cu, Bi, Pb, Zn ва бошка металлар олинмоқда. Бу конларнинг асосий минералларни олтин (Au), кумуш (Ag), электрум (Ag, Au), халькопирит ( $\text{CuFeSe}$ ), борнит ( $\text{Cu}_5\text{FeS}_4$ ), куприт ( $\text{Cu}_2\text{O}$ ), сфалерит ( $\text{ZnS}$ ), никелин ( $\text{Ni As}$ ), миллерит ( $\text{NiS}$ ), кобальтин ( $\text{Co, Fe}(\text{As})\text{S}$ ), шмальтин ( $\text{Co As}_3$ ), гематит ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ), сидерит ( $\text{FeCO}_3$ ), пирит ( $\text{FeS}_2$ ), арсенопирит ( $\text{FeAsS}$ ), касситерит ( $\text{SnO}_2$ ), станин ( $\text{Cu}_2\text{FeSnS}_4$ ), молибденит ( $\text{MoS}_2$ ), уранинит ( $\text{U}_2\text{UO}_7$ ), настурин ( $\text{U}_2\text{UO}_7$ ) ва бошқалар ташкил этади. Булардан ташқари бу класс конларида бир қанча номаъдан фойдали қазилмалари; тальк, магнезит, хризотил-асбест, тоғ хрустали ва томир минераллари-кварц, барит, карбонатлар ҳам учраб туради.

Қорамтири минераллари кам нордон магматик жинслари (икки слюдали гранит, аляскит), лойқа қатлам ва серицитга пар-чаланади. Серицитланиш бу

тоғ жинслари дала шпатларининг, майда мусковит (серецит) ва кварцга айланиши.

Қора минералларга бой бўлган ўрта магматик жинслар хлоритланади. Бу ходиса натижасида жинслар таркибидаги темир хисобига хлорит, слюдалар пайдо бўлади. Айрим (мисс, қурғошин, рух) конларида карбонатланиш ҳам юз беради. Агар қуршовчи жинслар лойқа катламтош, аркоз-қумтош бўлса кварцланиш ва бошқа ўзгаришлар юз беришлари мумкин.

Ўтаасосли жинсларда, икки тур ўзгариш (серпентинланиш ва лиственитланиш) содир бўлади. Серпентинланиш – ўта асосли жинсларнинг магнезиал силикатлари хисобига серпентинлар пайдо бўлишидир. Лиственитизация деганда ўтаасосли магматик жинсларнинг силикатлари (оливин, пироксен) эритмалар таъсирида парчаланиб, ўринларига темир ва магнититли карбонатлар, кварц, фуксит хосил бўлиши тушунилади. Бу ўрта температура гидротермал конида, бири эмас, балки бир неча тури бирданига содир бўлиши мумкин.<sup>6</sup>

Ўрта температурали гидротермал конлари она магматик жинсларнинг бағридангина жой олмасдан, улардан анча ўзокда ётган турли (чўкини ва метаморфик) жинслари ичида жойланишини ҳам мумкин. Бу турдаги конлар метасоматик йўллар билан ёки очиқ дарзларга жойланиш йўллари билан юзага келиб, оддий ва мураккаб томир, линза, шток, штокверқ, устун, қатлам ва бошқа шакилларга эга бўлади.

Бу турдаги конлар табиатда кўп тарқалган бўлиб, улар ичида турли маъданли формациялар ажратилади:

1. Олтин сульфидли формацияси. Бу формация конлари Ўзбекистон (Мурунтоғ кони), Қозогистон (Степняк) ва АҚШ (Материнская жила) да топилган.

2. Мис-молибден формациясига Ўзбекистондаги Қалмоқир, Қозогистондаги Коунрад, АҚШ даги Бингхем ва бошқа конлар киради.

3. Соф молибден формацияси. Бу формация кам учирашига қарамай, табиатда жуда катта конлар хосил қиласи (АҚШ даги Кляймакс кони).

4. Полиметалл (Pb, Zn) формацияси жуда кенг тарқалган формациялардан бири хисобланиб, Россияда Такели, Садон, Горевское, Ленинногорское, Тиминское ва бошқа конларни ўз сафида уюштиради. Бу формация бошқа давлатларда ҳам энг кўп тарқалган формациялар қаторига киради.

5. Хризотил-асбест формациясини ташкил этувчи конлар Урал, Канада, Родезияда учираиди.

6. Тоғ хрустали формацияси (Памир, Алдан ва бошқа ерларда учираиди) ҳам шу температурали гидротермал конлари билан боғлиқ. Булардан ташқари бу класс конларда барит (Салайир, Олтой), Миасkit

---

<sup>6</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004.167-185 pages

(Уралда), флюорит (Обирахмат, Такоб-Үрта Осиёда), магнезит (Сатка-Уралда) формациялари ҳам кўп учирайди.

3. Паст температурали гидротермал конлар. Бу конлар гидротермал эритмаларининг харорати 200 – 50 С гача пасайши натижасида юзага келади. Босим ҳам паст бўлади. Бу жараён гидротермал эритмалари бошланиш давирларида (юқорида айтилгандек) баланд температура ва босимдан паст температура холатига ўтгунча сезиларли узоқ масофани (6-8 км) босиб, ер қобиғининг ички қисимларидан устки (босим паст) қисимларига етиб келгунча содир бўлади.

Паст температурали гидротермал конлари ривожланган худудларида ўша конларни хосил қилувчи (эритмаларни берувчи) магматик она жинслари кўпинча учрамайди. Чунки улар конларга нисбатан анча чуқурликда жойлашган бўлиб, кузатиш имкониятдан ташқарида бўлади. Бундай шароитда конлар магматик она жинсларини устида ётган чукиндиметаморфик жинслар (оҳактош, қумтош, сланец, эффузивлар ва уларнинг аралашшиб ётган қатламлари) ичида жойлашади.

Паст температурали гидротермал жараён натижасида турли маъдан ва номаъдан фойдали қазилмалар пайдо бўлади. Буларнинг ичида мухим аҳамиятга эга бўлганларни қўйдаги минераллар-киноварь ( $HgS$ ), антимонит ( $Sb_2S_2$ ), реальгар ( $AsS$ ), аурипигмент ( $As_2S_3$ ), олтин ( $Au$ ), кумуш ( $Ag$ ), электрум ( $Ag, Au$ ), теллуридлар-калаверит ( $AuTe_2$ ), сильванит ( $AuAgTe_4$ ) ва бошқа-лар хисобланади. Номаъдан минераллар сафига кварц, карбонатлар, барит, алунит ва бошқалар киради.

Кўпчилик паст температурали гидротермал конлардаги руда гавдаларининг шакли томир, линза, табақасимон бўлади. Бу хил конларда руда олди ўзгаришларидан серитизация, доломитизация, баритизация, кварцлашиш жараёнлари содир бўлади.

Полиметалл формациясининг вакиллари Қозоғистоннинг Қоротогида (Ачисой, Мирголимсой), АҚШнинг Миссисипи дарёси атрофида учирайди. Симоб ва суръма формациясига Донбассдаги Никитовка, Ўрта Осиёда Хайдоркон, Қадамжой, Испаниядаги Аъмаден ва Хитайдаги қатор конлар киради.

Плутоноген-гидротермал конига мисол тариқасида Қорамазор тоғидаги Калмокир мис-молибден ва марказий Қизил-Қумдаги Мурунтау олтин конлари. Калмокир мис-молибден коннининг геологик тузулишида девон давирнинг ( $D_{1-2}$ ) чукинди вулкан жинслари ва уларни ўрта тошкумир даврида ёриб чиқсан сиенит-диорит интрузив массиви қатнашади. Сиенит диоритлари ўз навбатида  $C_3-P_1$  ёшли гранодиорит-порфир, сиенит-диорит-порфир, аплит, диабаз-порфирит дайкалари ёради

Мис-молибденли рудалар сиенит-диорит штоки билан гранодиорит-порфирлар туташган ерларида сиенит-диорит ва кваркли порфирларда жойлашган. Руда гавдаси штокверк бўлиб, ундаги асосий рудали минераллар магнетит, пириит, халькопириит, молибденит, гемотит, пиrottин, марказит, галенит, сфалерит, вольфрамит, шеелит, соф олтин ҳам учирайди. Томирли

минералларнинг асосийси кварц бўлиб, ундан ташқари ангидрит, кальцит, барит, доломит, анкерит, цеолитлар ҳам маълум.

## **2.2 Вулканоген гидротермал конларнинг ҳосил бўлиши**

Вулканоген гидротермал конларини бошқача қилиб айтганда кам чуқурлигдаги ёки саёз конлар деб аталади. Нега деганда юқорида қурилган плутоноген гидротермал конлари 1,0–1,5 км чуқурликдан бошлаб, 6–7 км чуқур-ликда пайдо бўлишлари мумкин бўлса, вулканоген гидротермал конлари эса, В.И. Смирновнинг фикрича бир неча метр чуқур-ликлардан бошлаб, 1 км чуқурликгача бўлган ер ости шароитларида юзага келишлари мумкин.

Вулканоген гидротермал конлари бизга маълум бўлган, ер қобигини ёриб чиқиб, хавога даҳшат билан отилувчи вулқонлардан фарқи бор. Вулканоген тушунчаси, оддий вулқонлардан ташқари, ер устига чиқолмай тўхтаган, субвулқон деб аталувчи, 1 км гача бўлган чуқурликларда ҳосил бўладиган магматик жинсларни ва улар билан боғлиқ магматик ходисаларни ҳам ўз ичига олади. Биз таърифлаётган вулканоген конлари вулқон ва субвулқон (трахит, андезит, дацит, базальт, порфирит, туф) ларни юзага келтирувчи пастдаги магматик ўчоқлар билан боғлиқ бўлади. Улар магматик жараёнларнинг сўнги этапларида, ўчоқларида газ ва гидротермал эритмалар холида ривожланадиган, катта босим ва ҳароратга эга бўлган, турли металл ва металл эмас компонентларга бой бўладиган эритмалирининг ер устки (босим паст) қисмига қўтарилиб, юқорида кўрсатилган вулқон ва субвулқон жинслар орасида кристалланишидан ҳосил бўлади<sup>7</sup>.

Бу жараёнда вужудга келадиган магматик жинс гавдаларининг ҳажмлари катта бўлмайди, шток ва дайка шакилларига эга бўлади. Аксарият уларни «кичик интрузивлар» деб ҳам атайдилар.

## **2.3 Плутоноген гидротермал конларининг ҳосил бўлиши**

Плутоноген гидротермал конлари. Плутон магматик массиви билан генетик боғлиқ бўлса, вулканоген конлари эса вулқон ва субвулқон жинслари билан парагенетик боғлиқликда бўлади. Бу эса вулканоген конларини ташкил этувчи гидротермал эритмалар юқорида кўрсатилган вулқон ва субвулқон магматик жинсларидан эмас, балки шу жинслар ҳосил бўлган пастки магматик ўчоғ билан боғлик деган сўздир.

Вулканоген гидротермал конларнинг бошланғич температураси (600-500°) бўлишига қарамай (уларнинг ривожланиши шароитлари ер устига яқин бўлганликлари туфайли) эритмалари ҳарорати тезда баланд температурадан ўрта (300-200°) ва паст (200-50°) температурагача камайиб кетади. Шу туфайли бундай конларнинг руда гавдаларида баланд температурада пайдо бўлган минерал (вольфрамит, касситеит, турмалин, топаз каби) лар билан бир қаторда, ўрта ва паст температурада ҳосил бўлган (галенит, сфалерит, киноварь, антимонит ва бошқа) минераллар ҳам иштирок этишлари мумкин.

---

<sup>7</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 200-214 pages

Баланд температурда пайдо бўлган минерал формацияларнинг устига ўрта ва паст температурда пайдо бўловчи минералларнинг формациялари жойлашади. Шунинг учун вертикал бўйича кам масофада турли температура интервалида пайдо бўлган бир неча минерал уюшмаларини (ассоциациялари) кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида калта лекин жуда мураккаб таркибига эга бўлган руда гавдаларини хосил қиласди. Бундай ходисаларини геологияда «телескопирование» ходисаси деб аталади. Плутоген гидротермал конларида турли температура интервалларида пайдо бўлган минераллар ва конлар нисбатан олдинма-кейин, зонал бўлиб ўрин олсалар, вулканоген гидротермал конларида бу ходисани ўрнига юқорида айтилган телескопирование ходисасини кузатиш мумкин.<sup>7</sup>

### **Назорат саволлари:**

- 1.Магмадан кейинги конлар деганда кандай конларни тушинамиз?
- 2.Гидротермал конларни хосил бўлиш таснифи ва маъданлари?
- 3.Колчедан конлари гидротемал конларини қайси туркумига киради?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology . Australia PGC 2006.
- 2.Laurence R., Introduction on to oreforming processes, Blackwell publishing company, London 2004.
- 3.Kula M., Understanding Mineral Deposits, Blackwell publishing company, Australia 2009.
- 4.Hart C., Wang Y., Goldfarb R., Dong L. Axi and associated epithermal gold deposits in the western Tianshan, Xinjiang, P.R. China // Tectonic evolution and metallogeny of the Chinese Altay and Tianshan. London: CERCAMS, 2003.
- 5.O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Ma’danli foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.
- 6.O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Noma’dan foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.

### **З-мавзу: Экзоген конларларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари**

#### **Режа:**

1. Экзоген конлар ҳақида тушунча.
2. Нураш жараёнларининг ҳосил бўлиши.
3. Экзоген конларидаги фойдали қазилмалар ҳосил бўлиши.

**Таянч сўз ва иборалар:** Магма, магматизм, магматик жараёнлар, Ер мантияси, гидротермал-чўкинди кон, колчедан туридаги (колчеданли) кон, контакт метаморфизми кони, маъдан ҳосил бўлиши, сульфидлар, геокимёвий жараёнлар, кристалланиш, рангли ва нодир металл рудалари.

### **3.1 Экзоген конлар ҳақида тушунча.**

Ер қобигининг атмосфера, гидросфера, биосфера билан ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган конлар эгзоген (грек. Экзо-ташқи) конлар деб аталади. Бундай конлар тоғ жинсларининг нураши нураш маҳсулотларининг тарқалиши ва ётқизилиши натижасида ҳосил бўлади.

Қуёш нури, ҳаво, сув ва тирик мавжудотнинг актив иштроқида ер қобигининг устки қисмидаги туб жинслар доим ўзгариб, емирилиб туради. Бу процесс нураш деб аталади.

Ҳароратнинг ўзгариб туриши натижасидаги емирилиш физик – нураш дейилади. Бунда асосан, ҳароратнинг суткалик ўзгариши ва сувнинг музлашишида кенгайиш катта аҳамиятга эга. Маълум бўлишича, музнинг ер ёриқлари деворларига тасир кучи  $6000 \text{ лг}/\text{см}^2$  чиқар экан.<sup>8</sup>

Нураш процессларининг самарали бўлишида тектоник, яъни ер қобигидаги дарзликларнинг катталиги, уларнинг рельефи ва тоғ жинслари ётқизиқларига нисбатан йўналиши каби факторлар ҳам катта аҳамиятга эга<sup>9</sup>.

Физик нураш жараёнида жонли дунё айниқса ўсимликлар сезиларли иш бажаради. Улар, биринчидан илдиз отиб, сувнинг чуқурликка кириб боришига ёрдам берса, иккинчидан ўзида нам сақлаб нураш процесслар учун қулай шароит туғдиради.

Шамол тоғлардаги ёриқ ва дарзликларга кириб қолувчи қум ва бошқа нураш маҳсулотларини ўчириш билан бирга емириш ишини ҳам бажаради. Буни шамол эрозияси ёки дефиляцияси (лот. Дефилация-учираман) дейилади. Нураш материаллари ўз оғирлиги билан пастга қулайди ва миграция агентлари ёрдамида йироқларга олиб кетилади. Бу процес денудация (лот. Денуда-ялонгочлайман) деб аталади.

Нураш ҳодисаларида денгиз ҳам катта иш бажаради. Денгиз сув тўлқинлари ҳар қандай мустаҳкам тошларни уриб синдириш ва минг тоннагача оғирликларни думалатиб силжитишга қодир.

Тоғ жинсларида ҳаво қисимларида карбонат сульфат кисло-талари ва уларга бой бўлган сув таъсирида ҳосил бўладиган кимёвий ўзгаришлар – кимёвий нураш дейилади.

Кимёвий нураш процессларида жуда муҳим бўлган оксидалаш реакцияларининг бажарилишда асосий агент кислароддир. Корбанат, сульфат, органик, гнус кислоталарини ва бошқа кислоталар баъзи сликатларни сувда эрувчи корбанат ва сульфат бирикмаларига айлантириб туриш актив иш бажаради. Бу кислоталар сульфатларнинг оксидланишидан ва организмларнинг чиришидан ҳосил бўлади<sup>10</sup>.

Организмлар асосан ўсимликлар ва бактериялар кислород ишлаб чиқаради ва унинг бир туридан иккинчи турига ўтиб туриши таъминланган

---

<sup>8</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004.219-225 pages

<sup>9</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004.228-250 pages

ҳамда ўлиш натижасида ўзидаги водород тоғ жинсларининг катионларига (металларига) алмашиб, мұхитни агрессив кислоталарга бойитиб беради.

Кимёвий нураш процессида температура ҳам катта рол ўйнайды. Маълум бўлишича вадароднинг 10 градус ошиши гидролиз реакциясини 2-2.5 марта тезлаштирас экан. (Н. Страхов).

Гидротланиш ўз юзасига сув шимиб ушлаб тура оладиган адсорбент минераллар системасига хосдир. Бунда шимилган сув миқдори шимиш юзаси ва мұхитдаги буғ босимига боғлиқ бўлиб, у минералнинг кристаллик тугуларига кириш (гидроксид сув) қаттиқ эритмалар ҳосил қилиш (кристалл гидрад сувлари) минерал тўқималарнинг оралиқ каналларига жойланиши (сиолит суви) шимилган (адсорбцион) сув ҳолида бўлиши мумкин алюминий, марганец ва темир оксидлари ана шу хусусиятларига эга.

Гидролизланиш сувнинг парчаланиши натижасида ажралган вадород иони билан туб жинсларнинг асослари ўртасидаги алмашинув реакциясини характерлайди. Бу процеср Н сони, кислоталар миқдори ва сув ҳароратининг ортиши билан кучаяди. Бунда сликатлар ўрнида гил минераллари, темир, марганец, алюминий оксидлари ва гидрооксидлари ҳосил бўлади<sup>11</sup>.

Диолиз гилнинг ўз таркибидаги метал катионларини диффузия йўли билан тарқатиб, «тоза гил» ҳолига келишини характерловчи процессdir.

### 3.2 Нураш жараёнларининг ҳосил бўлиши

#### 1) Нураш маҳсулотларининг тарқалиши ва тўпланиши процесслари.

Нураш маҳсулотлари нураш юзасидан бирор бир куч тъьси-рида четлашиб кетмаслиги мумкин (эллюви). Аммо аксарият холларда улар турли агентлар ёрдамида тарқалиб кетади ва қайта тўпланиб, кон ҳосил қиласди. Бунда гравитация кучлари, ёмғир ва қор сувлари, дарё сувлари, сизот сувлар, замин сувлари, денгиз сувлари, музликлар, шамол каби агентлар ва нихоят элементларнинг кимёвий хоссалари катта аҳамиятга эга.

Гравитация кучлари асосан таги бўшашиб қолган ва оғирлик марказининг силжиши юз берган холларда тоғ жинсларининг сурилиши, ўпирилиши ва думалаши билан намоён бўлади (колюви ётқизиклари). Бунинг натижасида сараланмаган ушатки жинслар тўплами ҳосил бўлиб, улар асосан йўл қурилишида ишлатилади.

Нураш маҳсулотларини ишлатишда ёмғир ва қор сувларининг хизмати жуда сезиларли. Биринчидан улар тоғ тошлардан ушатки жинсларни оқизиб, тоғ ён бағирларига тўплаб қўяди (делювии), иккинчидан тоғ дараларидан чиқиши жойларда оқизиб келган шағал ва лойқа холдаги материалларни катта майдонга ёйиб, экинбоб ясси текисликлар ҳосил қиласди (пролювии), учинчидан кичик-кичик оқимларнинг қўшилиши натижасида дарёларга айланиб узундан-узоқ дарё хавзаларида аллювиал ётқизиклар ҳосил қиласди, тўртинчидан улар ер қатламларига сузилиб, ўзлари билан эриган нураш

<sup>11</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 258-275 pages

махсулотларини олиб кетадилар ва қолдиқ ҳамда сизма конларни хосил қилишда актив қатнашадилар.

Оқар сув нураш махсулотларини ташишда ниҳоятда салмоқли иш бажаради.

Нураш материалларини ташиш ва саралашда денгиз суви ҳам алоҳида ахамиятга эга. Сохиллардаги нураш махсулотлари ва дарёлар келтирган материаллар денгизда сараланиб жой жойига ётқизилади. Механик ушатмалар сохилдан йироқлашган сари майдаланиб боради. Бу жараёнда шағал ва қум бўлакчалари ва оғир фойдали минераллар бир неча секунд ёки минут мобайнида чўкиб қирғоқ бўйи конларини хосил қилса, баъзи жуда майда гил минераллари эса хатто минг йиллар мобайнида батамом чўкиб тугар экан. Бу албатта жуда «тиник» сараланишга ва юқори сифатли хомашёлар хосил бўлишига олиб келади. Юқорида айтилган химик ва биохимик чўқмаларни саралаб ётқизишда ҳам денгиз шундай иш бажаради<sup>12</sup>.

Нураш махсулотларини кўчириш ва кон хосил қилишда шамолнинг ҳам хиссаси бор.

Емириш ва унинг махсулотларининг тарқатишида музликлар ҳам маълум ахамиятга эга. Улар кенгайиш ва гравитация кучлари таъсирида силжиб, соатига 1,25 м тезликда харакат қилар экан. Нураш ходисаларининг кечишида ва айниқса нураш маҳсу-лотларини тарқалишида химик элементларнинг харакатчанлиги катта роль ўйнайди.

Бу масала А. И. Перелман (1964) ва бошқа қўпгина олимлар томонидан ўрганиб чиқилган А. И. Перелман элементларнинг эрувчанлик хосасига қараб, уларни бир неча гурухга бўлиб чиққан (1-жадвал). Қўйидаги жадвалда пассив хаво мигрантлари Ar, Ge, Ne, Kr, X, Rn, хисобга олинмаган, активлари эса сув мигрантларига қўшиб юборилган, чунки улар сув мигранталари ҳамда ва шу тариқадагина кон хосил қиладилар<sup>13</sup>.

*Б) Нураш қобигининг ривожланишида геологик шароитнинг аҳамияти.*

### **3.3 Экзоген конларидағи фойдали қазилмалар хосил бўлиши;**

Экзоген конларининг хосил бўлиш муҳити нураш қобиги билан чегараланади. Нураш қобигининг остиқ қисми В. Вернадский-нинг фикрича кисларод юзаси (яъни эркин холдаги кисларод кириб борган чуқурлик сатхи) дан нарига ўтмайди. Бу юза тахминан замин сувларининг сатхига тўғри келади ва 60-100м, баъзида 200м, жуда кам холларда эса 1,5км чуқурликка боради.

Нураш қобигининг ривожланишида иқлим релеф, туб жинс-ларининг таркиби, геаологик шароитлар катта ахамиятга эга.

Чўлларда парланиш тез бўлганидан пастдан юқорига қараб сизма сувлар оқими харакатда бўлади. Уларда эриган хлорид ва сулфат тузлари ер юзида йиғилиб махсус шўр «пўстлок» хосил қилади.

<sup>12</sup> Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology. Australia 2006. 116-250 pages

<sup>13</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 280-300 pages

Суптропик ва тропик зоналарда турли хил нураш конлари хосил қилувчи лотерит профил мавжуддир. Бундай профилларда глинозём билан кремнизём бутунлай парчаланган холда бўлади. Кремнезём жуда кам бўлгани учун бу зоналарнинг асосий минераллари алюминий гидрооксиди (гипсит) темир оксидлари ва гидрооксидларидан иборат. Бу профилда нураш қобиғига хос ҳамма конлар мавжуддир.

Нураш қобиғининг ривожланишида рельеф ҳам муҳим омил-лардан бири хисобланади. Қояли баланд тоғларда сув турмагани учун физик емирилиш кимёвий процесслардан тезроқ содир бўлади. Бундай жойларда хатто ер юзида ҳам бирламчи сулфит минералларини учратиш мумкин. Шунингдек, текис водийлар ҳам нураш қобиғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Нураш конларини хосил қилувчи кимёвий нурашнинг ривожланиши учун энг қулай ландшафт ўртacha тоғлик ва ясси тоғликлардир, чунки бундай жойларда сув сизилиб алмашиниб туради.

Туб жинсларнинг таркиби нураш минераллари комплексининг хосил бўлишига катта таъсир кўрсатади. Бунда асосан икки типдаги минераллар комплекси хосил бўлиб, улар ўта асос ва асос жинслар, ҳамда нордон жинслар туркимига хосдир (2-жадвал). Табиатдаги бошқа жинсларнинг нурашидан эса мана шу икки групанинг бирига яқин комплексида минераллар хосил бўлиши аниқланган.

### **Назарий саволлар:**

1. Экзоген конлар синфиға қандай конлар киради?
2. Экзоген конларнинг қандай турларини биласиз?
3. Қандай конлар нураш конлари дейилади?
4. Қандай конлар қолдиқ конлар дейилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology . Australia PGC 2006.
2. Laurence R., Introduction on to oreforming processes, Blackwell publishing company, London 2004.
- 3 Kula M., Understanding Mineral Deposits, Blackwell publishing company, Australia 2009.
4. Рафилович М.С. Перспективы выявления близповерхностных месторождений золота нетрадиционных типов // Руды и металлы .2009 г. №5.
5. O'rungoyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. "Ma'danli foydali qazilma konlarining hosil bo'lish sharoitlari va jarayonlari" (o'quv qo'llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.
6. O'rungoyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. "Noma'dan foydali qazilma konlarining hosil bo'lish sharoitlari va jarayonlari" (o'quv qo'llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.

## IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот: Магматик конларни ўрганиш.

**Ишдан мақсад:** Кон маъданлари таркиби, фойдали қисимларини тарқалиши. Маъдан ҳосил қилувчи элементларини ер қобигидаги миқдори ва ҳаракатини таъминловчи турли туман геологик жараёнларни тахлил қилиш.

Кон маъданлари таркиби, фойдали қисимларини тарқалиши. Маъдан ҳосил қилувчи элементларини ер қобигидаги миқдори ва ҳаракатини таъминловчи турли туман геологик жараёнлар (юқори мантиядан ер қобигига қараб элементларнинг доимий ҳаракати, суюқ магма ҳолатидаги ҳосилаларини қотиши ёки ажиралиши, текитоник ҳаракатлари ва метаморфизм ходисалари, ҳаво сув тасирида бир жойдан иккинчи жойга ёки ҳолатларга ўтишлари ва б.) туфайли биз ўрганаётган ва ўрганишимиз мумкин бўлган қатламларидаги тарқалиши (ёйилиши, йиғилиши) таъминланади. У ёки бу элеменлар (менераллар) маълум тоғ жинслари билан боғлиқлиги ёки геологик жараёнлари туфайли пайдо бўлиши йўлларини аниқлаш.

**Машғулотни бажариш тартиби:** Фойдали қазилма конлари ҳархил тоғ жинслари билан табиатда боғлиқ эканлигини намуналар мисолида аниқланади. Масалан: ўта асосли жинслар дунит, перидотит ва бошқалар билан C, Fe, Mg, Pt, ва б. боғлик асос жинслар габбронорит диобозлар билан – Fe,Ti, V, Cu, Co, Pt, Pd ва б. ишқорий жинслар-сийенит ва нефелинли, сийенит - Ca, P, F, Zy; нодир элеменлар- W, Sn, Mo, F, В, Ng, Та, флюорит, тапоз, берил турмалин ва б. Метаморфаген жинслар- Au, U, W, Mo ва б. Маъданларни уч ўлчамли диометрик шакли бўйича аниқлаш лозим.

Масалан: Шток-уч ўлчамли, деярли бир-бирига якин бўлади, шу шаклини чизиш: томирлар-эни бир неча мм, см дан иборат бир неча метиргача, бўйи эса бир неча км бўлиши мумкин; катлам, линза ва б.шакилларни амалда чизиб бериш лозим. Шток ва Штокверкнинг асосий фарқини аниқлаш ва б.

**Амалиётдан** олинган маълумоларни ёзма равища шакиллари билан (схемаларда) кўрсатиб берилиши шарт. Конларда маъданлар шаклини тўғри аниқлаш келажакда кон иши (кавлаб олиш) жараёнида тутган ўрнини белгилаш.<sup>14</sup>

---

<sup>14</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 12-35 pages

### **Назорат саволлар:**

- 1 Қандай тоғ жинслари билан қайси элеменлар табиатан боғлик?
- 2 Маъданлар шакли деб нимага айтилади ва уларнинг ўлчамлари?
- 3 Шток ва штоквернинг фарқи?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology . Australia PGC 2006.
2. Laurence R., Introduction on to oreforming processes, Blackwell publishing company, London 2004.
3. Kula M., Understanding Mineral Deposits, Blackwell publishing company, Australia 2009.
4. Рафилович М.С. Перспективы выявления близповерхностных месторождений золота нетрадиционных типов // Руды и металлы .2009 г. №5.
5. O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Ma’danli foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.
6. O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Noma’dan foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Гидротермал конлар. Вулканоген ва колчедан гидротермал конлар.**

**Ишдан мақсад:** Юқори ҳароратли, ўрта ҳароратли ва паст ҳароратли гидротермал конларнинг таркиби, тарқалиши ва ўзаро жойлашувини таҳлил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Маъданли жисмлар асосини ташкил этувчи қисм – уларни минерал ва кимёвий таркиби ҳисобланади. Демак кон маъданини таркиби ҳақидаги маълумотлар қанча кўп бўлса, уларни ташкил қиласиган элементларини тарқалиш ҳусусиятлари, структра, текстураси тузилиш ҳолати, шакиллари ва б, малумотларга эга бўламиз. Буларнинг ичida энг аввало кони келиб чиқиши (генезисини) аниқлаб олишимиз лозим. Шу йўл билан кони кавлаб олиш, ишлаш йўллари ва янги усилларини танлаш ва яратиш лозим.

**Амалиётни бажариш таркиби.** Маъдан жинслари фақатгина фойдали минераллардан ва нокерак жинслардан ташкил топганлагини аниқлаш лозим. Масалан ингичка конида шеелит маъданида, сульфидлар фойдали минераллар ҳисобланса гранит проксенли скарн эса шу минералларни ўз ичига оладиган тоғ жинслари эканлигини аниқлаш лозим. Шу йўл билан магматик чўкинди метоморфик ва маъдан формациялари ҳақидаги тушинчаларни бойитиш лозим. Жумладан геологик формация таркиби ва

келиб чиқиши билан яқин ва ер қобиғини маълум қисмларида бир хил геологик жинслар ҳосил қилувчи моддий борлик бўлса, маъданли формация келиб чиқиши, минералогик таркиби ва бошқа хусусиятлари билан маълум геологик фармациялар (магматик чўкинди метоморфик) орасида шулар билан генетик ёки парагенетик алоқада бўлган маъдан ҳосил қилувчи (тўплам) жойлар. Шуларни амалиётда чизмалар ёрдамида ёки ёзма шаклида батафсил таҳлил қилиши лозим.

**Маълумотларни топшириш йўли:** машғулот давомида маъданли намуналарни расмийлаштириш ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни ёзма равишда топширилади.<sup>15</sup>

### **Назарий соволлар:**

1. Маъданий жисмлар деганда нимани тушинасиз ва уларнинг турлари?
2. Кандай тоғ-жинслари билан қайси серияга кирувчи маъданлар учрайди?
3. Маъданли худуд, майдон ва формацияларни қисқача тарифлаб беринг? Масалан: Алмалиқ конида маъданли формацияларга нималар киради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology . Australia PGC 2006.
2. Laurence R., Introduction on to oreforming processes, Blackwell publishing company, London 2004.
3. Kula M., Understanding Mineral Deposits, Blackwell publishing company, Australia 2009.
4. Рафилович М.С. Перспективы выявления близповерхностных месторождений золота нетрадиционных типов // Руды и металлы .2009 г. №5.
5. O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Ma’danli foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.
6. O’runboyev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. “Noma’dan foydali qazilma konlarining hosil bo’lish sharoitlari va jarayonlari” (o’quv qo’llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.

---

<sup>15</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 45-100 pages

### **З-амалий машғулот: Экзоген конларларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари**

**Ишдан мақсад:** геологиянинг энг асосий вазифаларидан бири – саноат аҳамиятига эга бўлган элементларни (Ф.К. ҳисобланувчи минерал ёки менераллар тўплами) табиий йиғишмаларини ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Ҳар қандай маъдан ҳосил бўлиши ва жойланиш жараёни кўпчилик ҳолатда бир (марталик) импульслик бўлмай, балки бир нечта қонуний кетма-кет келадиган геологик, геохимик, геодинамик ва б. жараёнларнинг маҳсули. Бу жараёнлар ўз вақт тараққиёти бўйича маъдан ҳосил бўлишига ҳар-хил таъсир қилиши ва яқин келиши ёки маъдан ҳосил бўлишидан олдинроқ, ёки у билан бир вақтни ўзида ёки анча вақт оралиғида ажралган ҳам бўлиши мумкин. Жумладан маъдан олди жараёнлари минерал ва тоғ жинсларида, маъдан қисмларини жойлашувига таъсир этувчи ва улар жойлашган геологик худудларда ҳаракат ва тез йиғилувчан шакилларда бўлишини таъминловчи системалар ҳосил қилувчи воқеалик. Аксарият бу системалар магматик ҳосилаларни гидротермал эритма, кристалланишга, бир ерда йиғилишга ва менерал ҳосил бўлишига олиб келади.

Масалан: олтин маъданли кварц томирида илгарги ион ҳолатдаги олтин кварц кристалланиш оқибатида унинг таркибиға кириши, чўкинди маъданлар ҳосил қилувчи геологик даврлар (PR-V-U-Au-Uv) сланецлар:D–б-D-Pg-Zn. Доломитлар: C-J кўмирлар:P-Ng ош тузи ва.б.

Айни пайтда маъдан йўқотувчи жараёнлар ҳам маълум. Геологик нураш, оксидланиш тектоник сурилишлар: маъданлар устидаги қатламларни очилиб қолиш ҳоллари ва б.

**Ишнинг бажарилиши.** Амалиёт давомида ҳар-хил манбалар ёрдамида аниқ конлар мисолида (Олмалиқ, Коч-булоқ, Мурунтоғ ва. б.) маъданлар ҳосил бўлиши стадия ва импулсларни ёзма ҳисбот турода топширади.

**Маълумотларни топшириш йўли:** Машғулот давомида маъданли намуналарни расмийлаштириш ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни ёзма равишда топширилади.<sup>16</sup>

### **Назарий саволлар:**

1. Маъданлар импульси деганда нимани тушинасиз?
2. Кетма-кет келадиган импульс оқибатида ҳосил бўладиган маъданлар таркиби қандай бўлиши мумкин?

---

<sup>16</sup> Laurence R., Introduction on to oreforming processes. London 2004. 150-169 pages

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology . Australia PGC 2006.
- 2.Laurence R., Introduction on to oreforming processes, Blackwell publishing company, London 2004.
- 3.Kula M., Understanding Mineral Deposits, Blackwell publishing company, Australia 2009.
- 4.Рафилович М.С. Перспективы выявления близповерхностных месторождений золота нетрадиционных типов // Руды и металлы .2009 г. №5.
- 5.O'rungboev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. "Ma'danli foydali qazilma konlarining hosil bo'lish sharoitlari va jarayonlari" (o'quv qo'llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.
- 6.O'rungboev. Q., Sodiqov S.T., Asaboyv D.X. "Noma'dan foydali qazilma konlarining hosil bo'lish sharoitlari va jarayonlari" (o'quv qo'llanma) Тошкент, ТошДТУ, 2011.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Фойдали қазилмаларни қазишда асосий бурғилаш станокларини үрганиш бўйича муаммоли вазиятлар (Кейс метод)

**1-Кейс.** “Ўзбекгеология” илмий-тадқиқот институтида геологик қидирув ишлари учун лойиҳа тайёрланди. Лойиҳа бўйича аҳоли яшайдиган қишлоқнинг тагида маъдан танаси геологик тадқиқотларга кўра аниқланган. Бу маъданни үрганиш ва у ердан қазиб олиш учун қишлоқ территориясида бурғилаш ишлари олиб борилиши кераклиги таъкидланган. Ҳамма ишлар хужжатлаштирилгандан сўнг аҳоли бошқа жойга кўчирилган ва территорияда тадқиқот ишлари бошланган. Тадқиқот ўтказиш натижасида лойиҳа нотўғри тузилгани ва үрганилаётган майдон иқтисодий томондан фойда бермаслиги ва аҳоли бесабаб бошқа жойга кўчирилгани аниқланган. Бу ерда асосий айбни қидириш ва разведка қилиш бўлимига ташланган. Чунки улар бурғилаш натижасида олинган керн намуналарни етарли даражада аниқ бўлмаган ва маълумотлар нотўғри эканлиги сабабли иқтисодий томондан заарар етказилгани кўрсатилган. Муаммони таҳлил қилинг.

**Ечими:** Вазиятни мукаммал үрганиш учун етук мутахассислар жалб этилиб комиссия тузилган. Ва комиссия якуний хулосасига кўра лоқайдлик билан ишга ёндашган бурғилаш бўлими ишчиларини ишдан бўшатилди ҳамда етарлича маълумот олмаганлиги асосида лойиҳа тайёрлаган гурухга жарима солинган.

**2-Кейс** “Конларининг ноанъанавий турлари” фани бўйича очиқ дарс олиб борилаётган эди. Дарсга доимо кеч қолиб келадиган бир талаба яна дарснинг ўртасида кириб келди. Талаба ўқишидан ташқари кафеда официантлик қиласар ва баъзан кечалари тунги сменда навбатчилик қиласар эди. Ўқитувчи бу ҳолатга жиддий қарамас ва унинг учун талабанинг дарс ярмида кириб келиши одатий ҳолга айланган эди. Аммо очиқ дарс олиб бораётган ўқитувчи уни дарсга киритмади. Талаба деканатга арз қилди ва ўқитувчи устидан шикоят хати ёзди. Хатда ўқитувчи талабанинг кеч келишига қизиқмас ва тенгдошлари олдида унга рўйхуш бермаслигини айтди. Деканат ҳодими дарсдан сўнг “Конларининг ноанъанавий турлари” фани ўқитувчисини чақирирди ва талабанинг арз хатини кўрсатди. Ўқитувчи ўзини оқлаш учун талабанинг камчилик ва хатоларини санаб кетди, дарсга кеч келиши бази холларда дарс вақтида ухлаб қолишини айтиб ўтди. Муаммони таҳлил қилинг.

**Ечими:** Деканат ҳодими талабани ишлаши учун розилиги аммо дарсдан ташқари вақтда ишга боришини айтди. Ўқитувчига эса педагогик вазифаларини унутмаслигини ва талаба қандай ахволда бўлмасин унга нисбатан совуқконлик билан қарамаслигини тайинлади.

**3-Кейс.** Фойдали қазилмаларни излаш ва қидириш ишлари олиб борилаётган майдонда авария ҳолати юз берди. Бурғилаш ишлари бўйича бригада бошлиғи Наимов Б. бурғилаш ускуналарини иш бошлашдан олдин

текширган аммо биргина кичкина камчиликка лоқайдлик билан қарagan. Бурғилаш ишлари бошланиб бир мунча вактдан сўнг танланган дастгоҳлар бурғилаш ўтказилаётган бурғилаш ишларига озгина кучсизлик қилиши аниқланган ва етишмаган дастгоҳларни олиб келиш учун бригада бошлиғи Наимов Б. омборга кетган. Аммо майдонда амалиёт ўташ учун янги келган талабани қолдирган. Талаба дастгоҳни қўздан кечира туриб станокни юргизиб юборган. Ва оқибатда қудуқда авария ҳолати юз берган. Бошлиқ келса ускуна ишдан чиққан. Наимов Б. омборга кетаётганида талабага дастгоҳларга тегмаслигини айтмаганидан афсусланди. Талаба эса қўрқиб кетганидан айбни ўз бўйнига олгиси келмади. Муаммони ҳал қилинг.

**Ечими:** Бригада бошлиғи Наимов Б. ва бригада ишчилари иш бошланишидан аввал барча дастгоҳларни қўздан кечириши шарт. Янги амалиётга келган талabalарни мураккаб дастгоҳлар билан ишлай олишини синовдан ўтказиш. Талаба амалиёт вақтида техника ҳавфсизлиги бўйича инструктаж ишлари билан танишиши шарт.

## **VI. Мустақил таълим мавзулари**

### **1. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Дастурдаги мустақил таълим бўйича режалаштирилган топшириқлар хажми тингловчининг бўлғуси малакавий иши мавзуси ва унинг бўлимларидағи ечимини кутаётган масалаларга мумкин қадар боғлиқ ҳолда бажарилиши назарда тутилган.

Шу вақтнинг ўзида мустақил таълим бўйича тингловчига берилган вазифалар модулнинг назарий ва амалий қисмларида режалаштирилган тематик дастур мавзуларидан узоқлаштирмаслиги таъминланиши зарур.

Мустақил таълим якунлари тингловчи томонидан бир неча алоҳида рефератлар ёки уларни жамлаштирилган хисботи сифатида маъсул ўқитувчига топширилади.

### **2.Мустақил иш мавзулари:**

1. Эндоген фойдали қазилма конларини қидириш мезонлари ва белгилари конкрет мисоллари ўрганиш.
2. Эрта магматик конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
3. Кеч магматик конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
4. Ликвацион конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
5. Пегматит конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
6. Контакт-метасоматик конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
7. Юқори ҳароратли гидротермал конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
8. Ўрта ҳароратли гидротермал конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
9. Паст ҳароратли гидротермал конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
10. Экзоген фойдали қазилма конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
11. Нураш конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
12. Сочилма конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
13. Чўкинди конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
14. Метаморфик конларини қидириш мезонлари ва белгилари.
15. Олтин маъданли конларининг қидириш мезонлари ва белгилари (Мурунтов типидаги конлар мисолида).
16. Олтин маъданли конларнинг қидириш мезонлари ва белгилари (Кўчбулоқ кони мисолида).
17. Мис маъданли конларнинг қидириш мезонлари ва белгилари (Қалмоқир кони мисолида).
18. Скарн – шелитли конларнинг қидириш белгилари ва мезонлари (Кўйтош кони мисолида).
19. Полиметалл конлари қидиришнинг мезонлари ва белгилари (Учкулоч кони мисолида).

20. Полиметалл конлари қидиришнинг мезонлари ва белгилари (Хондаза кони мисолида).
21. Темир конлари қидиришнинг мезонлари ва белгилари (Сюренота кони мисолида).
22. Кумуш конлари қидиришнинг мезонлари ва белгилари (Космоначи кони мисолида).
23. Уран конлари қидиришнинг мезонлари ва белгилари (Кетменчи кони мисолида).
24. Уран конлари қидиришнинг мезонлари ва белгилари (Букантау кони мисолида).
25. Уран конлари қидиришнинг мезонлари ва белгилари (Навоий вилоятидаги конлар мисолида).

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Абиссалъ</b>	денгиз тубининг 3000-6000 м чуқурликларига тўғри келадиган қисми. Океан тубининг 75% га яқин қисмини эгаллайди. Ада яшаш муҳити турғун, ҳарорат 1-20C, сувнинг шўрлиги 35%, гидростатик босими 300-600 атм га яқин, бутунлай қоронғи бўлади.	<b>Abissal</b> sea floor depths of 3000-6000 m. Approximately 75% of the ocean floor. The seventh environment is stable, temperature, 1-20, 35% of the salinity of the water, the hydrostatic pressure of 300-600 atm, will be completely dark..
<b>Азимут</b>	кузатувчидан кузатилаётган нуқтага қараб фикран ўтказилган чизик орасидаги горизонт текислиги устидаги бурчак. Соат миллари йўналиши бўйлаб ҳисобга олинади ва даражаларда ўлчанади.	<b>Azimut</b> observer watching point on the line between the plane of the horizon angle. Clockwise direction will be taken into account and measured levels
<b>Ётиш азимути</b>	меридиан билан қатламнинг ётиш чизиги орасидаги бурчак. Кўрсаткич тоғ компаси билан аниқланади.	Swivel bearing deposits lie angle between the line of the meridian. The display is determined by the Mining Company.
<b>Металлогения</b>	қазилма бойликлар ҳақидаги таълимотнинг бир қисми, маъданли конлар ҳосил бўлиши ва жойланиш қонуниятларини ўрганади. Биринчи вазифаси турли металлогеник ҳудудлар, маъданли минтақа ва тектоник-магматик мажмуналар ҳосил бўлишида маълум геологик жараёнларнинг ролини аниқлашдан иборатdir. Иккинчи вазифа айрим вилоятлар, маъданли минтақалар ва тектоник -магматик мажмуаларнинг металлогеник ихтисосланишида турли геологик, геокимёвий, физик-химёвий, табиий-географик далиллар аҳамиятини	Metallogenic - a part of the teaching of mining, mineral deposits can be created and uploaded to study laws. The first function of various metallogenic zones, mineral formation and the tectonic and magmatic complexes in the region to identify the role of geological processes. The second task in some regions and the mineral zones and tectonic magmatic complexes metallogenic ixtisoslanishida a variety of geological, geochemical, physical, chemical, and to identify the importance of the natural and geographical facts. Bearing

	<p>аниқлашдан иборат. Маъданли минтақаларда у ёки бу металли конининг мавжудлиги шу ерда тарқалган т.ж.ларининг кимёвий таркибига, тектоник тузилишига, магматик ҳамда маъданлашиш жараёнларининг қанчалик чукурликда содир бўлғанлигига ва бошқа далилларга узвий боғлиқдир. Учинчи вазифа турли конларни таққослаб ўрганиш ва улар ўртасидаги ўзаро алоқани, тўртинчи вазифа эса, кон - қидирув ишларини ҳамда маъданли район ва областларни илмий жиҳатдан асослаб беришдир. Бу маъданлашишнинг вақти ва тарқалиши қонуниятлари, унинг геологик тузилишига муносабатини аниқлаш имконини беради.</p>	<p>regions or that the presence of the metal deposit the same place t.j.larining chemical composition, the composition of the tectonic, magmatic processes and ma'danlashish how closely linked and occurred at a depth of evidence. The third task of comparing different fields of learning and the relationship between them, the fourth task, the mining exploration and mineral district and regions to give scientific justification. This time ma'danlashishning and distribution rules to determine the attitude of its geological composition.</p>
<b>Денгиз туби металлогенияси</b>	қуруқликдаги металлогеник минтақа, зона каби майдонларга ўхаш бўлиб, денгиз туби интрузиялари ва чўкинди т. жинслари билан боғлик.	<b>Metallogeny of the sea bottom</b> - land metallogenic zone, the zone is similar fields, such as the sea bed sediments and the intrusion t. j.inslari.
<b>Умумий металлогения</b>	металлогениянинг назарий асослари ва маъданлашишнинг замон ва маконда жойлашиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.	The theoretical basis of the total metallogeny, metallogeny and ma'danlashishning time and place of new studies.
<b>Регионал металлогения</b>	металлогениянинг маъдан майдонларининг геологик ривожланиш тарихи ва тузилишига боғлиқ равишда ф.қ. конларининг жойлашиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.	Regional metallogeny, metallogeny of the mining areas, depending on the composition of the geological history of the development and f.q. the study of new deposits.
<b>Маъдан районлари металлогенияси</b>	регионал металлогениянинг маъдан районларида ф.қ. лар тарқалишининг геологик	Ore mining areas metallogeny of regional metallogeny areas f.q. in

	хусусиятларини муфассал изланиш усуллари ёрдамида ўрганиш билан шуғулланувчи қисми.	detail the characteristics of the spread of geologic research methods part of the study dealing with.
<b>Бурмали областлар металлогенияси</b>	бурмали областларда ф.к. конларининг замон ва маконда (турли структуравий фациал зоналарда) жойлашиши умумий қонуниятларини ўрганади.	Burma Regional metallogeny folded regions f.q. in space and time deposits (structural facial zones) learns the position of general laws.
<b>Экзоген металлогения</b>	металлогениянинг экзоген конларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.	Exogenous metallogeny, metallogeny of exogenous of new studies.
<b>Эндоген металлогения</b>	металлогениянинг эндоген (шунингдек метаморфоген) конларнинг жойланиш қонуниятларини ўрганувчи бўлими.	Endogenous metallogeny, metallogeny of endogenous (metamorfogen) is likely to be published study of the laws.
<b>Металлометрия, металлометрик съёмка</b>	делювиал, элювиал ва аллохтон т.ж.ларини намуналаш асосида кимёвий элементлар микдорини аниқлаш ҳамда бу асосда ф.к. конларини кидириш. Син.: съемка литогеохимическая.	Metallometriya metallometrik survey diluvial eluvial and alloxton t.j.larini sampling to determine the amount of chemical elements on the basis of f.q. deposits. Sin .: everybody litogeoximicheskaya.
<b>Асл металлар</b>	кимёвий таъсирларга чидамли қимматбаҳо металлар: олтин, кумуш, платина гурухига оид металлар (платиноидлар) ва уларнинг қотишмалари. Улар атмосфера, сув ва б. муҳитлар таъсирида зангламайдилар.	Precious metals and chemical resistant precious metals: gold, silver, platinum group metals (platinum) and their alloys. They are air, water, and so on. zanglamaydilar the influence of media.
<b>Қимматбаҳо металлар</b>	Асл металлар атамасининг синоними.	Precious metals - Precious metals synonym.
<b>Легирловчи металлар</b>	вольфрам, никель, кобальт, молибден ва ванадий каби темир қотишмалари сифатини ошириш	Alloyed metals - tungsten, nickel, cobalt, molybdenum, vanadium, iron alloys,

	билин тавсифланадиган металлар.	characterized by increasing the quality of the metal.
<b>Енгил металлар</b>	бу атама маъносида Al ва Mg метали тушунилади.	Light metals - the meaning of this term is understood as Al and Mg metal.
<b>Кичик металлар</b>	вольфрам, молибден, симоб, висмут ва суръмаларнинг умумий номи. Ер қобиғи ҳосилларидағи ўртача миқдорий кўрсаткичи- кларкларининг жуда кичиклиги билан тавсифланадилар. Ҳозирда улар нодир металлар гурухига киритилади.	Small metal tungsten, molybdenum, mercury, bismuth and antimony. The average crust formations that are characterized by very small in quantitative ko'rsatkichi- Clark. Now they are a group of rare-earth metals.
<b>Радиоактив металлар</b>	уран, торий, радий каби радиоактив металлардан ташкил топган металлар гурухи.	Radioactive metals, uranium, thorium, radium, such as radioactive metals group metals.
<b>Тарқоқ металлар</b>	т.ж. ва маъданларда жуда оз миқдорий кўрсаткичлар билан учровчи ҳамда кам ҳоллардагина мустақил м-ллар ҳосил қилувчи индий, галлий, германий каби металлар ҳамда тарқоқ ер элементлари.	Precious metals - t.j. and cultural stories with very few quantitative indicators, as well as services in an independent form m-seekers indium, gallium, germanium, such as metals and scattered elements.
<b>Нодир металлар</b>	тантал, литий, бериллий, цирконий, ниобий, молибден каби металлар мансуб бўлган шартли гурух. Улар таркибиға кичик ва рангли металлар ҳам мансубдир.	Rare-earth metals, tantalum, lithium, beryllium, zircons, Niobe, metals, such as molybdenum from the conventional group. They are part of a small and non-ferrous metals, respectively.
<b>Рангли металлар</b>	мис, қўргошин, рух, никель, кобальт, баъзан эса алюминий каби рангли металлургияда эритилиб олинувчи металлар. Улар нодир металлар гурухига ҳам мансубдир.	Non-ferrous metals - copper, lead, zinc, nickel, cobalt, and sometimes non-ferrous metals such as aluminum, melted metal. They are also observed in the group of rare earth metals.
<b>Қора металлар</b>	Қора металлургияда кўлланиловчи металлар (темир,	Ferrous metals - ferrous metallurgy used metals (iron,

	марганец, титан, хром).	manganese, titanium, and chromium).
<b>Метамагматит лар</b>	икки хил маънога эга: 1) метаплутанизм (ультра метаморфизм, гранитлашиш) жараёни маҳсули бўлган кристалли т.ж. лари. 2) 400 <sup>0</sup> Сгача ҳароратда учувчи компонентлар иштироқида ҳосил бўлган иккиласми м-лларнинг тарқалган эфузив т.ж. лари гурӯҳи.	Metamagmatitlar two different meanings: 1) metaplutanizm (ultra metamorphism, granitlashish) which is a product of the process of crystal t.j. s. 2) the temperature 4000Sgacha formed with the participation of the volatile components of the secondary m-seekers are a common extrusive t.j. rights group.
<b>Метаморфизм</b>	юқори ҳарорат, флюидлар фаоллиги ва босим таъсири остида т.ж.ларининг ички тузилиши, минералогик ва кимёвий таркибининг ўзгариши. У контакт, динамометаморфизм ва регионал турларга ажратилади.	Metamorphism of high temperature fluids under the influence of pressure and activity t.j.larining internal structure, the mineralogical and chemical composition changes. Contact dinamometamorfizm and regional species separated.
<b>Геотермал ёки геотермик метаморфизм</b>	Ер пўстидаги геотермик градиент маҳсули бўлган юқори ҳарорат, шунингдек юқоридан қоплаб ётувчи т.ж.лари қатламларининг геостатистик босими остида катта чуқурликларда ётувчи т.ж. ларининг метаморфизими.	Thermal or geothermal metamorphism - a product of crustal geothermal gradient high temperature, as well as the top surface t.j.lari underlie the layers that underlie the large depths under pressure geostatistik t.j. metamorfizimi included.
<b>Магма</b>	эриган юқори ҳароратли суюқ модда (кўпинча силикатли, сульфидли ва б. бўлиши мумкин). Ер пўстида ёки юқори мантияда ҳосил бўлади. Совиб кристалланганда магматик т.ж.ларини ҳосил қиласди. Асосий турлари ўта асосли, асосли(базальт) ва нордон (гранит) ҳисобланади.	Magma - molten high-temperature liquid (usually silicate, sulphide and b.). Earth's crust or upper mantle. Cooling crystallized magmatic T. j.larini. The main types of foundations (basalt) and sour (granite).
<b>Базальтли магма</b>	магма эритмалари мажмуаси бўлиб, ундан эриш натижасида турли базальтлар ва уларнинг	Basalt magma solutions as complex as a result of melting of basalt magma

	чукурлиқдаги аналоглари ҳосил бўлади. Таркибан бир хиллиги, барчагеологик даврларда катта ҳажм ва кенг майдонларда тарқалганлиги Б.м.нинг геологик жараёнларда ҳосил бўлувчи асосий магматик эритмалардан бири эканлигидан далолат беради.	and the depth of their counterparts. Structural uniformity, barchageologik the large size and broad distribution of the BM geological processes formed one of the main magmatic solutions.
<b>Иккиламчи магма</b>	<b>Иккиламчи магма</b> - силикат эритмаларнинг умумий номланиши. Иккиламчи магматик ҳавзаларда магманинг дифференциацияланишидан ҳосил бўлади.	Secondary magma - called silicate solution. Secondary igneous pond formed by magma differentsiatsiyalanishidan.
<b>Гипоген магма</b>	базальти ва перидотитли турдаги магма ва уни дифференциацияланишининг қисман салик маҳсулотлари. Литоген (палинген) магманинг акси.	Gipogen magma lava and peridotitic type of magma, and it differentsiatsiyalanishing partial sale products. Litogen (palingen) Magma vice versa.
<b>Магматизм</b>	геосинклинал ва платформа худудларининг шаклланишида эффузив (вулканизм) ва интрузив (плутонизм) жараёнларини бирлаштирувчи атама.	Magmatism geosynclinal and platform regions in the formation of extrusive (volcanic) and intrusive (plutonizm), combining the processes of the term.
<b>Магматик формация</b>	Ер қобиғининг ҳар хил ёшли, лекин бир турдаги геотектоник структураларининг ривожланиши жараёнида, маълум бир хил геологик шароитда қонуниятли намоён бўладиган ва шу билан бирга ўзига хос таркибий ички тузилиш хусусиятларининг атроф муҳит билан бўлган муносабатини сақлаб қоладиган магматик т.ж.ларининг табиий барқарор ассоциацияси.	Igneous formation - the Earth's crust in different years, but the development of a range of geotektonik structures, a different geological conditions, regularities and at the same time a specific component of the internal structure of the property to maintain the relationship with the environment sustainable natural magmatic rocks Association.
<b>Магматик тоғ</b>	эриган т.ж.ларининг, магманинг	Magmatic rocks are melted

<b>Жинслари</b>	ёки лаванинг совиб қотиши ёки кр исталланишидан ҳосил бўладиган т.ж.лари.	t.j.larining magma or lava cooling and hardening or kr istallanishidan rocks
<b>Магматик жараёнлар</b>	Ер пўстига қизиган суюк магманинг жойланиш жараёни магма т. ж. ларига жуда катта босим остида кириб келади. Харорат ва босимни пасайиши, магманинг физик кимёвий шароитини ўзгариши унинг қотишига, кристалланишига магматик т. ж.. лари ва қўпчилик қимматбаҳо ф. қ. ларнинг пайдо бўлишига олиб келади.	Magmatic processes - the process of crustal entertained the hot liquid magma magma t. j. audience to come under a lot of pressure. Temperature and pressure drop, changes in physical and chemical conditions of magma his killer T magmatic crystallization. f s and f. q. leads to the formation of bubbles.
<b>Кимберлит</b>	ишқор элементларига бой ўта асосли т. ж. Умуман К. эруптив брекчиялар гурухига киради. Факат К. учун хос бўлган бўлаклар: пирапли перидодитлар, пирапли оливинитлар пироксенлар киради.	Kimberly - rich in alkali elements is the base. j. In general, K. Eruptive ash group. K. original pieces: piropo peridotitlar, piropo olivinitlar pyroxene.
<b>Ер мантияси</b>	Мохоровичич чегарасидан (35-80 км) ядронинг ташки Вихерт-Гутенберг чегарасигача мавжуд бўлган барча моддий мажмуалар (2900 км). Ер мантияси уч қисмга бўлинади: В- юқори мантия (35-400)км, С-ўрта мантия (400-950км) ва Д-қуий мантия (950-2900 км). Т.ж. ларнинг зичлиги Ер қобигининг остига қараб 3,3-3,5 г/см <sup>3</sup> дан то 5,6-5,9 г/см <sup>3</sup> гача ортиб боради.	Earth's mantle - the border Moxorovichich (35-80 miles) outside the border ViXEN Gutenberg core of all property complexes (2,900 km). Earth's mantle is divided into three sections: B- upper mantle (35-400) miles, the C-secondary mantle (400-950km), and D of the lower mantle (950-2900 km). T.j. depending on their density below the Earth's crust 3,3-3,5 g / cm3 to 5,6-5,9 g / cm3 to increase.
<b>Ер мантияси юқориси</b>	Мохорович чегараси билан 20 <sup>0</sup> -ли бўлиниш чегараси орасидаги зона. Бу чегара яна Голицын чегараси деб ҳам юритилади. Бу зонада базальтлар ажралиши,	Earth's mantle above - Moxorovichich the boundary zone between the division-limit 200. This limit is referred to as the border Golitsyno. This

	магматизм, метаморфизм ва ф. қ. лар ҳосил бўлиши каби жараёнлар кечади.	zone basalt divorce, magmatism, metamorphism, and f. q. processes such as the formation of the cornea.
<b>Ер қуий мантияси</b>	Ер ядросининг ташки чегараси ва Репеттининг $45^0$ градусли чегараси оралиғдаги зона. Бу зона қаттиқ мантия ва суюқ холдаги ядро чегарасида юз берувчи жараёнлар билан тавсифланади.	Earth's lower mantle outer core boundary zone between the border and Repetto 450 degrees. The border zone of solid mantle and liquid core outnumbered the processes described below.
<b>Ернинг ўрта мантияси</b>	Ернинг қуий ва юқори мантиялари оралиғидаги зона бўлиб, катта энергетик ресурсга эга. Унинг таъсири тектоник, магматик ва метоморфик жараёнлар намоён бўлишида катта аҳамиятга эга. Бу ҳолат «Ер пўсти», «юқори» ва «ўрта мантия» тушунчаларини «тектоносфера» атамасига бирлаштириш имконини беради.	The middle of the Earth's mantle zone between the upper and lower mantle of the Earth, a major energy resource. The influence of tectonic, magmatic processes and metomorfik be of great importance. It is the Earth's crust, mantle and medium term concepts tektonosfera combination.
<b>Гранит</b>	тўлиқ кристалланган нордон магматик т. ж. Материклардаги ер пўстида энг кўп тарқалган т. ж. Таркиби кремний оксидига бой. Ер пўстининг чукур қисмида, магманинг бутунлай кристалланишидан ҳосил бўлади. Г.нинг томирли тури - порфир структурали. Г.да кварц, калийли дала шпати (ортоклаз, микроклин), нордон плагиоклаз (альбит, олигоклаз), шунингдек слюда (биотит ёки мусковит), амфибол ва гоҳо пироксен бўлади. Акцессор м-ллардан апатит, циркон, магнетит,	Granite complete crystallization of the acid igneous T. j. Mainland crustal most popular T. j. The structure of the silicon oxide rich. A complete crystallization of the magma in the deep part of the crust is formed. G.ning vascular type porphyry structure. G of quartz, potassium feldspar (orthoclase, microcline), acid plagioclase (albite, oligoclase) and mica (biotite or muscovite), amphibole and pyroxene sometimes. Aktessor m-

	титан, баъзан ортит, монацит, ксенотим ва рутил учрайди. Ранги қизил, пушти, оч малла, оч сариқ, бўз ранг, баъзан оч яшил Г. катта интрузив массив (шток, батолит), дайка ва лакколит шаклларида учрайди. Йирик донадор Г. «рапокив» дейилади. Гранитли интрузиялар ёши жиҳатдан асосан архейдан кайназойгача бўлган даврда намоён бўладилар.	seekers, apatite, zircon, magnetite, titanium, and sometimes more, monatsit, ksenotim and rutile. Color, red, pink, light red, light yellow, gray-brown color, sometimes pale green to G. intrusive massive (Curtain bodies), the dyke and lakkolit forms. Coarsest G. Rapokiv'. According to the age of the granite pluton arxeydan period kaynazoygacha.
<b>Кристалланиш</b>	кристаллнинг пайдо бўлиши ва ўсиш жараёни. К. эритмадан иборат суюқ (магма, ўтиш фазаси ва б. лардан), газсимон (сублимацияга к.) ва каттиқ таркибли моддалардан ҳосил бўлади.	The crystallization process of the emergence and growth of the crystal. K. solution of liquid (magma phase and b. arguments), and gaseous (sublimatsiyaga.) and solid substances.
<b>Гидротермал-чўкинди кон</b>	гидротермалар, яъни чукурликларда ҳосил бўлувчи маъданли эритмаларнинг юқорига, ер юзаси сув ҳавзаларида кўтарилиши жараёнининг чўкиндиларни тўпланиши жараёnlари билан бир вақитда рўй беришидан ҳосил бўлади.	Hydrothermal-sedimentary deposits of hydrothermal solutions that formed at depths of ore up to the surface water bodies with the process of the removal of sediments formed by the exponents of place.
<b>Гидротермал кон</b>	Ер пўстида магманинг кристалланиши жараёнида ундан ажralиб чиқувчи иссиқ сувларда эриган турли минерал компонентларнинг циркуляцияси пайтида кристалланган м-лларнинг тўпланишидан ҳосил блган конлар. М-ллар кристалланиши ҳарорат ва босим пасайиши, шунингдек атрофдаги т.ж.лари билан ўзаро кимёвий таъсири	Hydrothermal mining Earth's crust is released during crystallization of magma crystallized during the different mineral components dissolved in hot water circulation M-seekers gathered blgan fields. M-seekers as well as a decrease in the crystallization temperature and pressure as a result of the effect of chemical

	натижасида юз беради.	interaction with the surrounding t.j.lari.
<b>Колчедан түридаги (колчеданли) кон</b>	одатда сфалерит, камдан-кам ҳолда галенит, баъзан эса арсенопирит, никель ва кобальт м-ллари ҳамда кумуш ва олтин бирикмалари қатнашган, темир, мис (пирит, пирротин, халькопирит ва б.)нинг колчеданли маъданларидан иборат бўлган, ҳосил бўлишига кўра постмагматик, гидротермал, ўрта ҳароратли ва ўртacha чукурликдагилар гурӯхига кирувчи маъданли конлар тури.	Pyrite type (kolchedanli) mining - often rare sphalerite with galena, sometimes arsenopirit, nickel and cobalt m participated in the ways of silver and gold deposits of iron, copper (pyrite, pyrrhotite, chalcopyrite, and b.) Kolchedanli SKSmirnova which, to be sure in postmagmatic, hydrothermal, moderate temperature and average chuqurlikdagilar group of mineral deposits.
<b>Контакт метаморфизми кони</b>	<b>Контакт метаморфизми кони</b> - интрузив ва турли таркибли т. ж.лари kontaktlariда, юқори ҳарорат остида ҳосил бўлади. Бунда т. ж.лари орасига кириб борувчи магмадан янги кимёвий элементлар олиб келинмайди. К.м.к.ларга мармар, флогопит конлари мисол бўлади.	Contact metamorphism mine, intrusive, and various components of T. j.lari contacts are formed under high temperature. At the same time, t. j.lari going into the magma was brought to the new chemical elements. K.m.k.larga marble, phlogopite deposits, for example.
<b>Контакт-метасоматик кон</b>	контакт метаморфизми жараёнида ҳосил бўладиган кон. Бундай конлар ёриб кираётган магмадан бир қанча кимёвий элементлар ажralиб чиқиб, атроф т.ж.ларидаги м-ллар билан метасоматик ўрин алмашиш йўли билан тўпланиши натижасида атроф т.ж.лари (экзоконтактда) ва интрузив т. ж.ларининг чекка қисмида (эндоконтактда) ҳосил бўлади.	Contact metasomatic mining - mining the process of contact metamorphism. Such deposits into the break out of the magma in a number of different chemical elements, t.j.laridagi-seekers metasomatic exchange through the accumulation of environmental t.j.lari ('s exsocontact) and intrusive t. j.larining edges (endokontaktda).
<b>Контакт-</b>	контактли-метасоматик конлар	contact metosamatik

реакцион кон	синоними.	synonym deposits.
<b>Маъдан ҳосил бўлиши</b>	маъдан компонентларининг концентрацияланиши. Ер пўстида ва унинг остида кимёвий элементлар дифференциацияси - кўчиб юриши билан боғлик бўлиб маъданли конларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Улар м-л ҳосил бўлиш жараёнларининг асосий қисми ҳисобланади .	Mining of ore forming components kontsentratsiyalanishi. Under the Earth's crust and its chemical elements associated with the movement of differentiation which leads to the formation of mineral deposits. They are part of the process of formation of m-l.
<b>Сульфидлар</b>	олтингугуртнинг металл, шунингдек нометалл кимёвий элементлар (B, Si) билан ҳосил қилган табиий кимёвий бирикмалари. Уларга «водород сульфид ( $H_2S$ ) кислотасининг тузлари» деб қарашиб керак. Айрим кимёвий элементлар олтингугурт билан бирикиб, олтингугурт кислотаси $H_2S_x$ тузлари бўлган сульфидларни ҳосил қиласадилар. Сульфидларни ҳосил қилувчи асосий элементлар гурухига Fe, Zn, Cu, Mo, Ag, Hg, Pb, Bi, Ni, Co, Mn, V, Ga, Ge, As, Sb лар киради. Улар маъданлашув жараёнининг фаол иштироқчиси ва кўпчилик металлар маъданни сифатида диккатга сазовордирлар.	Metal sulphide sulfur, as well as non-metallic chemical elements (C, Si), which is a natural chemical compounds. Hydrogen sulfide ( $H_2S$ ) acid salts need to look at that. Coupled with some chemical elements, sulfur, sulfuric acid salts $H_2Sx$ sulphide. Sulphide forming the main group elements Fe, Zn, Cu, Mo, Ag, Hg, Pb, Bi, Ni, Co, Mn, V, Ga, Ge, As, Sb. They ma'danlashuv deserve as an active participant in the process and many of the mineral.
<b>Геокимёвий жараёнлар</b>	Геохимик жараёнлар.	See the geochemical processes. Processor geoximicheskie.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Махсус адабиётлар:

1. Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology Australia PGC 2006.
2. Laurence R., Introduction on to oreforming processes, Blackwell publishing company, London 2004.
3. Kula M., Understanding Mineral Deposits, Blackwell publishing company, Australia 2009.
4. Рафилович М.С. Перспективы выявления близповерхностных месторождений золота нетрадиционных типов // Руды и металлы 2009 г. №5.
5. Условия формирование и основы прогноза крупных золоторудных месторождений. М.: ЦНИГРИ, 1998.
6. Hart C., Wang Y., Goldfarb R., Dong L. Axi and associated epithermal gold deposits in the western Tianshan, Xinjiang, P.R. China // Tectonic evolution and metallogeny of the Chinese Altay and Tianshan. London: CERCAMS, 2003.
7. Seltman R., Porter T.M., The porphyry Cu-Au/Mo deposits of Central Eurasia: 1. Tectonic, geologic and metallogenic setting and significant deposits // Super porphyry copper and gold deposits: a global perspective. V. 2. Australia: PGC Publishing, 2005.
8. Renolds Johnson, Morin Carter // Exploring geology . Australia PGC 2006.
9. Boris Escalante Ramirez, Remote sensing applications In Tech, Chapters published June 13, 2012 under CC BY 3.0 license DOI: 10.5772/2670 Edited Volume, 528 pages.
10. Richard H.G, 3-D Structural Geology, Springer, New York, 2006, 410 pages.
11. Bhuiyan M.A., Application of geographic information systems, In Tech, Chapters published, October 31, 2012, 384 pages.

### Интернет ресурслари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.bolero.ru/books/](http://www.bolero.ru/books/) Ручкин В.В., Лыгина Т.И. Поиски и разведка месторождений полезных ископаемых. -М.: Недра, 2005.
3. <http://www.geology.pu.ru/Books/Shvarts//Shvarts> html.
4. <http://www.elebrary.ru/> - научная электронная библиотека.
5. <http://www.mggu.ru> – Московский государственный геолого-разведочный университет.
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

